

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Тагаев Азамат Ахматович

**АЛОҚА ТАРМОҒИ КОМПАНИЯЛАРИДА КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5А340201 – Менежмент

(алоқа ва ахборотлаштириш)

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Магистр академик илмий даражасини олиш учун ёзилган

Илмий раҳбар:

и.ф.д., **Иминов Т.К.**

_____.

ТОШКЕНТ -2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида корпоратив бошқарув тушунчасининг моҳияти.....5

1.2. Корпоратив муносабатларнинг шаклланиш босқилари ва тамойиллари

1.3. Корпоратив бошқарув муносабатларида рискларни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари

II БОБ АЛОҚА СОҲАСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

2.1 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси акциядорлик жамиятларида дивиденд тўлови таҳлили

2.2 “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ мисолида корпоратив бошқарувни шакллантириш жараёнларини тадқиқ этиш

2.3 “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати таҳлили

3 БОБ “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖНИНГ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида корпоратив бошқарув усулларининг қўлланилиши ва ривожланиши

3.2 “Ўзбекистон почтаси” ОАЖда корпоратив бошқарувни ривожлантириш йўналишлари.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Долзарблиги. Маълумки, миллий иқтисодийни модернизация этиш шароитида почта алоқаси хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда соҳада корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва корпоратив молиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш соҳа олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ижтимоий аҳамиятга эга булган почта алоқаси хизматлари самарадорлигини ошириш негизида сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ходимларни моддий манфаатдорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, Республика аҳолисини замонавий ахборот технологияларига асосланган почта хизматларини янги турларини тақдим этиш каби вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир”¹ деб, республикамизда бугунги кунда амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида тўхталиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали фаолият юритилиши зарурлигини таъкидлади.

Шу мунособат билан почта алоқаси соҳани ривожлантириш ҳамда хизматлар самарадорлигини оширишдан асосий мақсад фан техника ютуқларини қўллаш орқали турли кўринишдаги ахборотларни узатиш бўйича истеъмолчилар эҳтиёжларини тўла ва юқори сифатда қондириш ҳамда соҳани янги ахборот технологияларига асосланган почта хизматлари кўрсатишда корпоратив бошқарувни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -14 б.

Президентимиз таъкидлаганидек “Шуни тан олиш керакки, сўнги йилларда жахон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар асосан кўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш хисобидан хал этилиши кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оҳир оқибатларга олиб келиши мумкин”².

Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш, корхоналарнинг молиявий маблағларидан самарали бошқаришни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида мазкур диссертация ишининг долзарблигини асослайди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари. Кўзланган мақсадни амалга ошириш учун бажаришда қўйидаги вазифалар қўйилди:

- Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида корпоратив бошқарувнинг илмий-назарий асосларини ёритиш;
- Корпоратив бошқарув тушунчасининг моҳиятини илмий асослаш;
- Корпоратив бошқарув муносабатларида рискларни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида корпоратив бошқарув тизимини тадқиқ этиш;

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси/ senat.uz

- Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси акциядорлик жамиятларида дивиденд тўлови таҳлили;

- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ мисолида почта алоқаси соҳасида корпоратив бошқарувни шакллантириш жараёнлари ўрганиш;

- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати таҳлили

- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

- Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида корпоратив бошқарув усуллари ривожлантириш истиқболларини аниқлаш.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Диссертациянинг якуний натижалари “Ўзбекистон почтаси” ОАЖда корпоратив бошқарувни ривожлантириш йўналишларива унинг ривожланишига аҳамиятли бўлган назарий, услубий ва амалий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, тўпланган илмий маълумотлар, чиқарилган хулосалар ва амалий аҳамиятга молик бўлган тавсиялар “Ўзбекистон почтаси” ОАЖда корпоратив бошқарувни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Корпоратив муносабатларнинг халқаро майдонда шаклланиш анъаналари илмий томондан асосланди;

- “Ўзбекистон почтасида” ОАЖда корпоратив бошқарув муносабатларида рискларни баҳоланди;

- Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси акциядорлик жамиятларида дивиденд тўлови таҳлили этилди ва ривожланиш йўналишлари белгиланди;

- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот объекти. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг олинган.

Тадқиқот предмети сифатида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг корпоратив бошқарув фаолиятига оид статистик, оператив ва молиявий ҳисоботлари олинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. “Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари” ёш олимлар, тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабаларнинг Республика илмий-амалий конференциясида (Тошкент, 2012) ҳамда Менежмент ва маркетинг кафедрасида (2012 йил майдаги - сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган

Диссертация мавзуси ва натижалари бўйича умумий ҳажми 0,3 босма табоқдан иборат 2 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисмидан, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация 75 бетдан иборат бўлиб, **4 жадвал ва 5** расмларни ўз ичига олади.

1.

I. БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида корпоратив бошқарув тушунчасининг моҳияти

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида босқичма-босқич олиб борилган институтчионал ва иқтисодий ислохотлар натижасида ишлаб чиқариш воситаларига биргаликда эгалик қилишга асосланган акциядорлик жамиятлари (чет элда улар «корпорация» деб юритилади) ҳамда уларнинг интеграллашган бирлашмалари – холдинглар ва шу каби бошқа хўжалик бирлашмалари шаклланди ва ҳозирги кунда иқтисодиётда улар муҳим роль ўйнамоқда. Уларнинг кейинги ривожланиш босқичлари, энг аввало, акциядорлик жамиятлари – корпорацияларни бошқариш самарадорлиги, айниқса, мулкдорлар ва бошқа корпоратив муносабат иштирокчилари ҳуқуқини ҳимояловчи корпоратив бошқарув тизимига боғлиқдир. Мамлакатимизда ҳозирги кунда жорий этилган корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўринга эга. Шу нуқтаи назардан диссертацияда корпорациялар фаолияти ва уларнинг самарали фаолият юритиши тамоийиллари тадқиқ этилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кенг маънода корпорацияларнинг асосий функциялари тадбиркорлик фаолиятини мақсадли, кундалик ва стратегик бошқаруви учун жорий ва истиқбол режаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш; тадбиркорлик фаолияти учун белгиланган стратегик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, рақобатлашиш усулларини

танлаш ва уни амалга оширишни ўз ичига олади. Шуларни инобатга олганда корпорациянинг ташкилий таркибини тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришини самарали олиб бориш нуқтаи назаридан такомиллаштириш муҳимдир. Аммо иқтисодчи олимлар томонидан ҳозиргача корпорация тушунчасига илмий асосда умумлашган бир ягона таъриф берилмаган. Жумладан, «Корпорация бир нечта фирмаларни умумий мақсадга йўналтирадиган ва уларнинг имтиёзларини ҳимоя қиладиган акциядорлик жамиятдир» деб таъриф берилган. Айрим иқтисодчилар «корпорация молиявий-иқтисодий фаолият бўлиб, унинг қатнашувчилари маълум миқдордаги мулк эгаси бўлиши билан, бошқарув вазифасини мутахассис менежерлар орқали амалга оширади» деб ҳисобласалар, айримлари «Корпорация Ғарбда кенг тарқалган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, у маълум мулк эгалигига, ҳуқуқий ҳолатга, бошқарувнинг умумлашган вазифалари менежерлар кўлидадир» деб ҳисоблайдилар.

Бизнинг фикримизча, корпорация – бу эркинлаштирилган бозор иқтисодиёти шароитида инвестор-тадбиркорларнинг рақобатбардош маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали кўпроқ фойда олиш мақсадида акциядорлик шаклига бирлашган ҳуқуқий субъектнинг умумий кўринишидир. Ишлаб чиқариш жараёнини макроиқтисодий барқарорлик шароитида олиб боришда корпоратив бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан моҳиятини таърифлашда ҳам иқтисодчиларда ягона бир умумлашган таъриф мавжуд эмас. Жумладан, Халқаро корпоратив бошқарув академияси Президенти проф. Ю.Б.Винслав «Корпоратив бошқарув тушунчаси эмиссияни амалга оширувчи бошқарув органлари билан ҳуқуқий мансабдор шахслар, қимматли қоғоз эгалари, эмитентлар (акциялар, заёмлар ва қимматли қоғозлар эгалари) ҳамда бошқа манфаатдор шахслар билан бундай ёки бошқа бошқарувга жалб қилинган эмитентлар, ҳуқуқий шахслар ўртасида бўладиган муносабатларни ифодалайди» деб

таъриф берган. Мазкур манбада корпоратив бошқарув таърифи кенгайтирилиб, қуйидагича таърифлаган: «Корпоратив бошқарув кенг доирада корпорациянинг ҳозирги замон омилларининг самарали қўлланишига эътибор бериши, кўпчилик ҳолатларда корпорациялар умумлашган ҳолда ҳуқуқий шахсларнинг моддий манфаатини ифодалайди». «Корпоратив бошқарув умуман, бошқарув тизимини ишлаб чиқариш билан боғлайди. Бундай боғланиш тизимида бошқарув тезда бозор конъюктурасини, талаб ва ишлаб чиқариш жараёнининг чекланишларига эътибор қилади» деб ҳисоблайди. Даниэле Джон Д., Радеба Л.Х. «Корпоратив бошқарув бу бизнесни ташкилий, ҳуқуқий ҳужжатлаштирилиши, ташкилий таркибининг оптималлаштирилиши, ички ва фирмалар ўртасидаги муносабатларнинг қабул қилинган мақсадлар асосида мувофиқлигидир» деб таърифлайдилар. М.К.Старовойтов эса «Корпоратив бошқарув оддий тушунча эмас, маълум аниқловчи механизмлар йиғиндиси ва таркиби ҳам эмас, балки тармоқ бошқарув тармоқ фани ва амалиёти, ҳозирги замон менежменти» нинг асосий тармоғи ҳисобланади деб кўрсатади. Таниқли иқтисодчи олим М.Д.Крук корпоратив бошқарув тўғрисида шундай фикрини билдиради: «Корпоративизм – бу инсонларнинг ўз манфаатдорлигини бошқа инсонлар ҳаракати орқали, ўзларининг шахсий ҳисоб-китобларига эмас, балки уларнинг ёрдами, иқтисодий қўллаб-қувватлаши асосида амалга ошириладиган иқтисодий муносабатларнинг бир шаклидир» деб ҳисоблайди. У ўзининг «Эффективность государственного управления» деб номланган монографияси (хорижий адабиётларида ҳам) давлат ва хусусий бошқарувнинг самарадорлиги ўзаро бир-бирига монанд деб қарайди. Гарчанд иқтисодий тараққиёт даврида хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат унинг иқтисодий тараққиётини тўғридан-тўғри бошқара олмайди деб ҳисобланса ҳам, аммо кейинги даврларда, жумладан, АҚШ давлатида кўпроқ эътибор давлатнинг иқтисодий секторида ишлаб чиқариш самарадорлигини

ишлаб чиқарувчи корпорациялар акцияларининг маълум қисмини ўз ихтиёрида сақлаш йўли билан амалга оширилмоқда. Аммо давлат аҳамиятига эга бўлган тармоқ ва корхоналар фаолиятининг иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари тизими илмий-услубий асосда етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу билан бирга бошқарув механизмлари ҳам ҳали етарли даражада жаҳон андозалари талабига жавоб бера олмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корпорацияларнинг шаклланиши ва унинг бошқаруви уларнинг устав фондларида давлатнинг иштирокига асосланган. Республикада корпоратив мулкнинг шаклланишида давлатнинг умумий акциялар қийматида маълум ҳиссага эга бўлиши акциядорлик жамиятининг бошқарувида баъзи муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, корпорацияларнинг фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш, хорижий сармоядорларни жалб этиш ва бошқалар. Бизнинг фикримизча, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида акциядорлик жамияти акцияларининг умумий қийматида давлат акцияларининг ҳиссасини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда корпорацияларнинг ривожланишини истиқболлаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Шунини ҳисобга олиб диссертацияда истиқболлаштиришнинг икки шарти асосланган: эски ишлаб чиқариш ва бошқарув субъектларининг янги бозор иқтисодиёти талабларига мослашувига; корпорацияда ишлаб чиқаришни хом ашё ва истеъмол бозорларига яқин минтақавий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда жойлаштиришгадир. Корпоратив бошқарув самарадорлиги мультипликация услуги асосида даромадларнинг ўсиши ва унинг ташкил қилинганлигига боғлиқ бўлиб, самарадорлик даражасини ифодалайди. Шу билан бирга «эмержет» самарадорлиги усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. У корпорацияда ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг умумий самарадорлигини ифодалайди. «Синергия» самарадорлиги услуги ишлаб чиқариш субъектларининг алоҳида фаолият юритишларида қўлга киритган

самарадорлик кўрсаткичларига нисбатан уларнинг ўзаро боғлиқликдаги фаолиятлари, яъни умумий самарадорлик натижасининг юқори бўлишида ифодаланади. Аммо корпоратив бошқарув самарадорлиги корпорацияларнинг ҳозирги молиявий ҳолатини аниқлаш, унинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишланмаларнинг етишмаслиги маълум даражада бу борада мавжуд муаммолар ечимини ҳал этишда бир қатор қийинчиликларга олиб келмоқда. Жумладан, корпорация самарадорлигини тўлиқ иқтисодий таҳлил қилиш, лойиҳаларни молиялаштириш, инвестицияларни жалб қилиш услубиятларини такомиллаштиришни талаб этади.

Шу ўринда корпорацияларни хўжалик фаолиятини молиявий ҳолатларини таҳлил қилишда:

- уларнинг иқтисодий ҳолатларига, таъсир этувчи омилларга;
- хўжалик фаолияти самарадорлигини тўғри баҳолашга;
- ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иқтисодий жиҳатдан асосланган режага таянишга;
- ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичини назорат қилишга;
- ишлаб чиқариш заҳираларини топиш учун интилишга;
- белгиланган ишлаб чиқариш ва бошқарув режаларининг бажарилишига эътибор бериш зарурдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида эркин рақобатга асосланган тадбиркорлик фаолиятларини олиб бориш объектлари бўлган турли мулкчиликга асосланган ишлаб чиқариш жараёни билан корпоратив мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Кичик тадбиркорликни иқтисодиётнинг ривожлантиришдаги ўрнини тан олиш билан бирга, унга қарши бўлмаган, унинг иқтисодий тараққиётига яқиндан ёрдам бера оладиган корпоратив мулкчилик шакллари асосида ишлаб чиқаришнинг ташкил топиши зарур эканлигини ҳам эътироф этиш лозим. Келажакда эркин бозор иқтисодиёти корпорация ва кичик

тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлган муносабатлар асосида ривожланиши керак. Корпоратив мулкчилик шаклида ишлаб чиқариш, уни бошқариш қуйидаги ижтимоий ва иқтисодий афзалликларга эга:

- ишлаб чиқаришнинг йириклашуви инвестиция маблағларини жалб қилиш, ундан унумли фойдаланиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади;

- фан ва техника тараққиёти маҳсули бўлган янги технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали жаҳон меъёрлари талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайди;

- меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилаш ҳисобига жаҳон бозорида рақобатбардошлик даражасини оширишни таъминлайди;

- ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини оширади.

Корпорацияларнинг фаолияти ва бошқаруви ҳолатига қуйидаги омиллар салбий таъсир этади: бозор иқтисодиёти шаклланиши даврида қатъий монетар сиёсатнинг қўлланиши натижасида талабнинг пасайиши; ички бозорнинг импорт товарлари ҳисобига тўлдирилиши; ахборотлар тизимининг талаб даражасида ишламаслиги; айланма маблағларга бўлган талабнинг қондирилмаслиги; акцияларнинг ишламаслиги, улар қийматларининг тушиб бориши; инвестиция маблағларини жалб этишнинг қийинлиги; аҳолининг бўш турган маблағларидан етарли даражада тўлиқ фойдаланмаслик; ишлаб чиқариш субъектлари ўзаро ҳисоб-китобларининг ўз вақтида тузилган хўжалик битимлари асосида амалга оширилмаслиги; зарурий ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминотнинг талабга жавоб бермаслиги.

Ҳозирги замон иқтисодиётининг равнақи учун хусусий капитал субъектлари билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар асосида

ташқил этиш, бошқарув муносабатларини талаб ва таклиф асосида такомиллаштириб бориш зарур. Шунини ҳисобга олиб диссертацияда корпоратив муносабатлар унинг ташкилий шартларини тўлиқ амалга оширишни таъминлаш асослари тавсия этилган. Улар қуйидагиларни ўз

ичига олади:

- бошқарув фаолиятининг эркинлаштириш услуби;
- корпоратив мулкга субъектларнинг тенг эгаллик қилиш;
- умумлашган манфаатдорлик орқали ҳар бир мулк эгаси субъектларининг яқка тартибдаги манфаатдорлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш, инновация, инвестиция, молия ва ижтимоий механизмларнинг интеграциялашуви;
- мултипликация самарадорлигининг амалиётда рўёбга чиқарилиши.

Бозор муносабатлари шароитида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш жараёнининг истеъмол бозори талабларини эътиборга олган ҳолда диверсификация қилиш зарур. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиб бориши иқтисодиёт тармоқларида диверсификациялашни амалга ошириш кўламига ва унинг бошқарувига боғлиқ. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш икки усулда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади: Биринчи усулда диверсификациялаш бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мос келиши керак бўлса, иккинчи усулда эса мукамал эркин бозор иқтисодиётига мос бўлиши зарур. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг макро даражада ривожланишига, янги ишлаб чиқариш технологиялари асосида иқтисодиётнинг ўсиши эркин рақобат муносабатларининг кучайишига асосланади. Маълумки, субъектив омиллар таъсирида молиявий ресурслар, бозор механизмларининг етарли даражада талабга жавоб бермаслиги ва малакали мутахассисларнинг етишмаслиги унинг ривожланишига салбий таъсир этади. Демак, корпоратив бошқаруви самарадорлигини ошириш субъектларнинг етарли даражада молиявий

маблағларга эга бўлиши ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнини диверсификация қилиш, унинг бу борадаги стратегиясига боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

1.1-расм. Диверсификация қилишнинг корпоратив папкасини бошқариш стратегияси*



* Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

1-расм. Диверсификация қилишнинг корпоратив папкасини бошқариш

Шуни инобатга олиб илмий ишда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш стратегияси режасини шакллантириш ва унга киритилган чора-тадбирларни корпоратив (турли иштирокчилар нуктаи назаридан) папкасини

бошқариш босқичлари, вазифалари ва ҳаракат коидалари асосланган (1.1-расм). Унинг асосини қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифалар ўзаро уйғунлигини таъминлаш таъминлари ташкил этади. Диверсификация қилишни стратегик усулда

бошқариш белгилари мақсадга эришишни таъминлайди. Бу диверсификациялаш жараёни алоқалари стратегиясига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб диссертацияда ишлабчиқаришни диверсификация қилиш жараёнида тижорат ва сервис стратегиялари ва корпоратив стратегиялар алоқалари туркумланган (1.2-расм). Бу ишлаб чиқариш тармоқларини диверсификация қилишга инвестициялар жалб этиш, ишлаб чиқариш таркиби ва йўналишни ўзгартириш лойиҳаларини амалга оширишни тезлаштиради. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш учун аниқ кўзланган мақсад асосида ишлаб чиқариш жараёнининг йириклашуви, ресурсларининг бирлашуви, интеграциялашуви сосида янги субъектларнинг жалб этилиши, аниқ молиялаштириш механизмларини ташкил этиш ва рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга. Бу корпорациялар фаолиятини ташкил этишда, албатта, давлат томонидан қабул қилинган антимонопол қонунлар талабларини бажаришни шарт қилиб кўяди. Ушбу қонунга риоя этиш товар бозорида корпорацияларнинг якка ҳокимлигига йўл қўймаслик, эркин рақобатга тўсиқ бўлмаслик, бозор нархларининг талаб ва тақлиф қонунлари асосида эркин шаклланишига зид бўлмаслик билан ифодаланади.



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1.2-расм. Диверсификация жараёни алоқалари стратегиясини туркумлаш

Корпорациянинг ривожланишини стратегик концепцияси давлат манфаатларини ҳам эътиборга олган ҳолда узоқ муддатли стратегик бошқарувга асосланиши керак. Узоқ муддатли бошқарув корпорация фойдасини кўпайтириш, фойдаланаётган ички ресурсларга эга бўлишни оптималлаштириш, асосий ресурсларга эга бўлишни назарда тутса, стратеги бошқарув моддий манфаатдан келиб чиққан ҳолда фойдани максималлаштириш, самарасиз ташқи муҳит билан самарали динамик тенгликни ўрнатиш, ташқи муҳитдаги ўзгаришларни кўрабилиш ва унга мослаштиришлар энг асосий ресурс эканлигини ифодалайди. Бу, бизнинг фикримизча, корпоратив бошқарув самарадорлиги унинг субъектларининг интеллектуал даражаларига ва ишлаб чиқариш харажатлари миқдорига боғлиқ. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш корпоратив бошқарув ва диверсификациялаш стратегияларини муқобиллик даражаси билан аниқланади. Корпоратив бошқарув самарадорлиги унинг таҳлил қилиб

борилишининг объектив ҳолати билан белгиланади. Бошқарув самарадорлиги кўп қирралик бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий, халқ хўжалиги ишлаб чиқариши, тўлиқ, қисман, қисқа муддатли, узоқ муддатли ва мутлоқ самарадорликка бўлинади. Шуларни инобатга олиб, диссертацияда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ва уларни аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Унинг таркибига корпоратив бошқарув фаолияти, ишлаб чиқариш даври, асосий фондлардан ва акциядорлар капиталидан фойдаланиш ҳамда акция самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар киради.

Юқоридаги келтирилган назарий таҳлиллар асосида шундай **хулосага** келиш мумкин:

- бошқарувнинг самарали даражаси бошқарув маданиятининг шаклланиш даражасига, корпоратив бошқарув самарадорлигини ишлаб чиқариш самарадорлиги билан боғлиқлигига, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг яратилишига ва менежернинг тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ;

- корпоратив бошқарув самарадорлиги кўп қирралик жараён бўлиб, корпорация фаолиятининг барча йўналишлари самарадорлигини умумлашган ҳолда ифодалайди;

- корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонларини, ишлаб чиқариш самарадорлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ташқи иқтисодий алоқалар даражаси, қабул қилинаётган қарорларнинг асослилиги, уларнинг тезкорлик билан амалга оширилиши, корпоратив бошқарувининг такомиллаштириб борилишини ташкил этади.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув «Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга биноанамалга оширилади. Акциядорлик жамияти бошқарувни ташкил этиш механизмлари корхоналарни бошқариш механизмларидан тубдан фарқ қилади. Акциядорлик жамиятининг бошқаруви, унинг акциядорлари

манфаатларини қондира оладиган даражада олиб борилишини талаб этади. Бу акциядорлик жамиятининг олий бошқарув органи ҳисобланган акциядорлар умумий йиғилиши орқали амалга оширилади. Корпоратив бошқарув мазкур акциядорлик жамияти мулкдорларини ва бошқа манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаши керак. Шуларни инобатга олиб корпоратив бошқарувнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- бошқарувнинг адолатлилиги корпорацияда ишлаб чиқаришни самарали олиб боришни, эркинлашган рақобатнинг шаклланиши учун шароитлари яратишда унинг ҳамма аъзоларининг қатнашишини таъминлаш;
- корпорацияда ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятининг очиқ-ойдинлигини таъминлаш;
- раҳбар ва алоҳида шахсларни корпоратив фаолият билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда уларнинг жавобгарлиги.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштириб боришда фақат ички шарт-шароитларни, яъни ички омиллар таъсирини ўрганишнинг ўзи кифоя қилмайди.

Бунинг асосий сабаблари эса қуйидагилардан иборат:

- бозор иқтисодиётининг шаклланиши ишлаб чиқариш жараёни таркибларини такомиллаштириш билан боғлиқлиги;
- ички иқтисодиётни ривожлантиришда юқори ишлаб чиқариш технологияларига асосланган хорижий давлатлар билан иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик қилишнинг зарурлиги;
- республикада етишмайдиган ёки мавжуд бўлмаган ишлаб чиқариш ресурсларини жалб қилиш;
- инвестиция ва инновацион капиталларни ҳамда малакали кадрларни жалб қилиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон стандартлари талабига жавоб бериши;

- корпоратив ишлаб чиқариш субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва эркин рақобатнинг шаклланишини таъминлаш зарур.

Корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолардан бири меҳнат жараёнини такомиллаштиришдан иборатдир. Илғор технологияларнинг корпорациялар фаолиятига кириб келиши муносабати билан улар ходимлари меҳнатини ташкил қилишни такомиллаштирмасдан ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Диссертацияда корпоратив бошқарув механизмларининг хорижий мамлакатлара тўпланган тажрибалари кенг ўрганилган. Шунини таъкидлаш мумкинки, республикада шаклланган корпоратив бошқарув маъмурий буйруқбозлик бошқарув тизимидан тубдан фарқ қилади ва бу бошқарув янги иқтисодий муносабатлар шаклланиши билан тавсифланади. Корпоратив бошқарувнинг ташқи мотивация тизими эса корпорация иштирокчилари иқтисодий ҳаракатларининг кучайиши, шахсий, жамоа ва давлат манфаатдорлигини таъминлайди.

Хорижий давлатларда корпоратив бошқарув моделлари мавжуд бўлса-да, улар барча давлатларнинг иқтисодий тараққиётига тўғри келмаганлиги сабабли, умумий таснифга эга бўлган корпоратив бошқарув моделини таклиф қилиш қийин масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хорижий давлатларда ташкил топган акциядорлик жамиятидаги корпоратив бошқарувни ўрганиш ва тегишли хулосалар қабул қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантира оладиган, миллий анъаналарга жавоб берадиган корпоратив бошқарувни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Хорижий давлатларда корпоратив бошқарувнинг ташкилий ҳолати тажрибаларини ўрганиш асосида Англия ва Америка корпоратив бошқаруви моделида, инвесторларнинг унинг фаолияти бўйича ҳуқуқий жиҳатдан жавобгар эмаслиги бошқарувни менежерларга топширилганлиги, мавжуд бўладиган хавф-хатарларга акциядорлар, кредит берувчилар ва бошқарувчилар жавобгарлиги, ишлаб чиқариш фаолиятини

инқирозларсиз бир маромда боришини таъминлаш мақсадида, мулкдорлар олаётган даромадларининг бир қисмидан воз кечиши тажрибаларидан республикада фойдаланиш мумкин. Хорижий давлатларда корпоратив бошқарувнинг ташкилий ҳолат тажрибаларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

-корпоратив бошқарув модели ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда шаклланади;

-корпорацияни бошқариш икки поғонали бўлиш билан бирга кузатув кенгаш раиси ва корпорация менежери мустақил ҳолда сайланиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда корпорация фаолиятини суистеъмол қилиш, иқтисодий жиҳатдан қонунларнинг бузилишига олиб келади;

-акциядорлик жамияти аъзолари акциялар орқали олаётган дивидентлари уларнинг ҳақиқий мулкдорларга айланишларини таъминлаши зарур.

Корпоратив бошқарув жараёни молиявий етишмовчиликларнинг бўлиши, хорижий давлатлар инвестицияларидан фойдаланиш билан бирга, ички молия захираларидан унумли фойдаланишни ташкил этиши ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаши лозим. Бу муаммони ҳал этиш корпоратив бошқарувни бозор иқтисодиёти қонуни ва талаблари асосида доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этади. Шунининг илоҳотида олиб диссертацияда корпорация фаолиятида иқтисодий хавфсизлик тамойиллари ўрганилган.

Иқтисодий хавфсизлик тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида ягона умумлашган илмий асосланган таъриф йўқ. Айрим иқтисодчи олимлар иқтисодий хавфсизликни илмий аҳамиятга эга эканлигини, уни иқтисодий фанларга боғлиқ эканлигини инкор этадилар иқтисодий хавфсизлик тушунчасига шундай таъриф берадилар: «Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим шароитда демократик жамиятни таъминлашда иқтисодий хавфсизлик шундай ҳолатки, унда ҳеч қандай хавф-хатар бўлмади, иқтисодиёт

доимий ривожланишда бўлиб, аҳолининг турмуш даражасининг доимий равишда ўсиб боришини таъминлайди» Иқтисодий хавфсизлик иқтисодий категория бўлиб, корпоратив бошқарувнинг самарали равишда ривожланиши учун зарур бўлган ички ва ташқи шарт-шароитларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий хавфсизлик ички ва ташқи омилларнинг доимийлиги, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланишига салбий таъсир қилиш ҳолатидан ташқарида такрор ишлаб чиқариш даражасини кенгайтирилган ҳолатда олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий муҳитни яхшилаши мумкин.



Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1.3-расм. Корпоратив бошқарув тизимида иқтисодий хавф-хатар омиллари

Иқтисодий хавфсизлик корпоратив бошқарувда мавжуд бўладиган ноқонуний иқтисодий фаолиятларнинг олдини олиш, эркин рақобат муаммоларини ҳал этиш, хом ашё ва товарларни сотиш бозорига кириб бориш билан боғлиқдир. Шуларни ҳисобга олиб, диссертацияда корпорацияда хавф-хатарларни юзага келтирувчи омиллар ва сабаблар туркумлаштирилган (3-расм). Бу корпоратив бошқарув тизимида доимий равишда юзага келадиган иқтисодий хавф-хатарларнинг олдини олишда менежерлар ўзларининг иш фаолиятларини шу даврнинг иқтисодий ҳолатлари ва шароитларига мослашган ҳолда иқтисодий муносабатларни шакллантиришга интилишларини таъминлашга кўмаклашади. Корпоратив бошқарув органлари корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозим:

- корпорациянинг иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш, молиявий маблағлардан фойдаланиш устидан банклар назоратини ўрнатмаслик;

- корпорацияни ривожланган хорижий давлатлар корпорациялари билан эркин рақобат қила оладиган технологик салоҳиятларга эга бўлишни таъминлаш;

- корпорация иштирокчиларини ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимоя қилишни таъминлаш;


- корпорациянинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳақидаги ахборотларни сир сақлаш.

Республикада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини пасайтириш ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари доирасида корпоратив бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунини ҳисобга, олиб илмий ишда стратегик режалаштиришнинг услубий асослари кўриб чиқилган. Корпорацияда стратегик режалаштириш иқтисодиёти модернизациялаш шароитида қуйидагиларга асосланиши керак:

- корпорацияда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уни ўрта ва узоқ истиқболда ривожлантириш стратегияси билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқариш технологияларини аниқлашга;

- ишлаб чиқариш жараёнига янги такомиллаштирилган ишлаб чиқариш технологияларини қўллашда корпорациянинг иқтисодий хавфсизлигини ва оптимал ишлашини таъминлашга.

Корпорацияда стратегик режалаштириш жорий режалаштиришга нисбатан мукамал, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан асосланган



Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1.4-расм. Стратегик мақсадларнинг шаклланиши

бўлиши керак. Стратегик режалаштиришни амалга оширишда унинг асосий мақсадларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бунда асосий эътибор мақсадларнинг уларни амалга ошириш вақтига қараб ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантириш ҳамда иқтисодий, ижтимоий, ички ва инсон омиллари мақсадларини таъминлаш талаб этилади (1.4-расм).

Корпорациянинг техник ва технологик янгилаш стратегияси турлиомилларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳолатида амалга оширилиши керак.

Корпоратив бошқарув қарорларини қабул қилиш учун режалаштириш бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга асосланиши зарур:

-корпорация фаолиятини стратегик режалаштириш унинг қуйи поғонасидан (субъектларидан) бошлаб юқори даражасигача қамраб олиши керак;


-ишлаб чиқаришнинг тизимли, комплекс равишда олиб борилишини таъминлаши зарур.

Бозор муносабатларини инобатга олганда стратегик режалаштиришни амалга ошириш ўзаро боғлиқ ҳолатларни ўрганиш билан боғлиқ. Бу режани ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида бозорни, ички ва ташқи бизнес муҳитини кенгроқ ўрганиш ва уларнинг ҳолатини баҳолашни талаб этади (5-расм). Корпорацияда турли муддатларга мўлжаллаб қабул қилинган стратегик режалар унинг стратегик йўналишларини бошқариш учун асос бўлиб хизмат қилади ва улар натижаларининг самараси қуйидаги ҳолатларга боғлиқ ҳисобланади:

- корпорацияда ишлаб чиқариш жараёни унинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, технологик ривожланиш стратегияларига қараб мослашиб боришига;

- янги технологияларни ишлаб чиқаришга қўллашда жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган технологияларни янгилаш билан боғлиқ бўлганнисбатларни тўғри аниқлашга.

Бозор иқтисодиёти шароитида корпорация таркиби ва бошқарувини ижтимоий-иқтисодий, ташкилий жиҳатдан махсус бир йўналиш деб қараш



умкин. Чунки корпорация тараққиёти илғор технологияларга асосланган ҳолда юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шароитларни яратиб бера олади.

* Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

1.5-расм. Стратегик режалаштириш учун ички ва ташқи бизнес муҳитни

баҳолаш босқичлари*

Бундай шароитда корпоратив бошқарувга қуйидагича ёндашиш зарур:

- иқтисодиёт тараққиётида бозор муносабатларининг шаклланиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда унга тез мослашиш қобилиятига эга бўлиш;

- ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлаётган интеграциялашув даражаси пасайишининг олдини олиш;

- ишлаб чиқаришга юқори самарали технологияларни жалб этишни кучайтириш.

Корпоратив бошқарув самарадорлик даражасининг ўсиб бориши, бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида янги интеграциялаштирилган ишлаб чиқариш корпорацияларининг шаклланиши, уларнинг фаолияти истеъмолчилар талабларини қаноатлантириши керак. Уларнинг харид қилиш даражасига мослашган ҳолда ва самарали бўлиши учун давлат томонидан доимий равишда тартибга солиб турилиши керак. Бундай шароитда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш учун уни аниқ мақсадли қўллаб-қувватлаш зарур. Булар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:


- корпорациялар истиқболли бизнес-режаларининг асосланганлиги, зарурий инвестиция маблағларининг мавжудлиги;

- ишлаб чиқариш жараёнини бозор талаблари асосида ривожлантириш ва нақд пуллар орқали ҳисоб-китоб юритишни тўлиқ ташкил этиш;

- нарх диспаратетини тугатиш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни жорий этиш;

- ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга эришиш чора ва тадбарларини амалга ошириш зарур.

Корпоратив бошқарувнинг самарадор бўлишда корпорациянинг даромад ва умумий харажатларни прогноз қилишга, инвестиция маблағларининг корпорация бўлимларига тақсимланишига, солиқ ва даромад корпорация молиясини шакллантириш модели тавсия этилган (6-расм).



1.6-расм. Корпорациянинг молиявий модели мажмуаси*

Ушбу модель қуйидагиларга эътибор бериш имконини беради:

- корпорация молия режасини объектив ва субъектив шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда шакллантириш;
- стратегик мақсадларини амалга ошириш учун, унинг самарали

бошқарувини таъминлаш;

- корпорация молиявий манбаларини умумлаштириш;

- ишлаб чиқариш жараёнининг ўсишини таъминлаш;

- истеъмол бозорида талаб бор бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқишни молиялаш;

- корпорация томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми билан уни истеъмолчиларга сотиш орқали олинаётган фойда ўртасидаги нисбатнинг оптимал даражада бўлишини таъминлаш.

Бозор муносабатлари шароитида корпоратив бошқарув стратегияси асосида тузилган стратегик ривожланиш режаларигина корпорация таркибидаги корхоналар бўйича ва умумкорпоратив ишлаб чиқаришини иқтисодий инқирозсиз, тақчилликсиз олиб бориш учун зарур бўлган ишчи дастурларини ишлаб чиқиш имконини беради. Корпорация стратегиясини ишлаб чиқиш стратегик бошқарув методологиясининг ишлаб чиқилишига оғлиқ. Корпорация стратегиясини ишлаб чиқишнинг методологияси қилиб корпорациянинг стратегик бошқарувида қўлланиладиган мақсадли-дастур ва хавф-хатар ҳолатининг олдини олиш, уни таҳлил қилиш услубларини олиш мумкин. Бу ҳолатда, бизнинг фикримизча, корпорация фаолияти бошқаруви тубдан ўзгариб, сифат жиҳатдан янги даражада ишлаб чиқариш жараёнлари бир-бирига боғлиқлиқлигини ва айрим ҳолларда у билан боғланган сегментларни эътиборга олган ҳолда бошқариш зарур. Корпорация стратегиясини ишлаб чиқишда унинг молиявий стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, корпорацияни ривожлантиришни бир неча стратегик вариантларини ишлаб чиқиш ва кам харажат талаб этувчи оқилона вариантни танлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо бизнинг фикримизча, молиявий стратегия корпорация фаолиятини молиялаштириш, бюджетлаштириш ва режалаштиришнинг асосий элементи бўлиб, уни амалга ошириш мақсадини ҳамда бошқарувнинг самарали даражада бўлишини ифодалайди. Методологик жиҳатдан молиявий стратегиянинг шаклланиш

механизмларининг иқтисодий табиати корпорация умумий стратегиянинг асосини ташкил этувчи молиявий муносабатлар самарадорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Молиявий стратегия самарадорлигини таъминлашда қуйидагиларга эътибор бериш зарур: Корпорация ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида ишлаб чиқаришни инвестициялаштириш орқали олаётган фойдалари, тўланадиган дивидендларга нисбатан юқори бўлишига, ишлаб чиқаётган маҳсулотларни бозорда истеъмолчилар томонидан талабгорлик даражаси рақобатда бўлган корпорация товарларига нисбатан юқори бўлиши керак.

Корпорацияларда инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишда инвестицион фаоллик даражасига, асосий ишлаб чиқариш фондларининг оптималлик даражасига, ишлаб чиқариш жараёнининг бозор истеъмоли даражасига, янги ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштиришга, инвестиция қайтимига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияларини такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш лозим. Корпоратив бошқарув модели ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ҳолатидан, унинг тутган иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши зарур. Лекин ҳар қандай корпоратив бошқарув иқтисодиётнинг танлаган тараққиёт йўлидан қатъий назар қуйидаги асосий шартларга: адолатлилик, жавобгарлик, ҳисобот беришлик, очиклик, акциядорлар манфаатини ҳимоя қилиш шартларига асосланиши керак.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ўрнини инкор этмаган ҳолда, корпорация корхоналари мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни, ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилишини, бир турдаги хом ашёдан турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтилиши, ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот бирлигига нисбатан камайтиришни, мавжуд капитал маблағларидан унумли фойдаланишни таъминлайди. Корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш учун корпорацияларнинг

ички ва ташқи инвесторлар билан бўлган муносабатларини такомиллаштириш, корпоратив бошқарув органларининг ролини ошириш, акциядорлар капиталида корпорация ходимлари капиталлари ҳиссасини ошириш зарур. Ривожланган хорижий давлатларда корпоратив бошқаришда режалаштиришни бюджетлаштириш усули кенг тарқалган бўлиб, у бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

1.2.Корпоратив муносабатларнинг шаклланиш босқилари ва тамойиллари

Менежмент ва корпоратив бошқарув атамалари дастлаб хўжалик тизими бўлган корпорацияни бошқаришни, яъни молияни, кадрларни бошқаришни, ишпаб чиқариш, маркетинг сиёсати ва шу кабиларни англатар эди. Бироқ, ўтган аср бошларидан эътиборан, корпоратив бошқарув деганда мулкдорларнинг корпоратив тузилмалар доирасидаги манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган ҳаракатлар, шунингдек, менежерлар ишининг мулкдорлар томонидан назорат қилиниши тушуниладиган бўлди.

Замонавий “корпоратив бошқарув” тушунчаси қарийб 40 йилдан бери маълум ва мавжуд. Унинг келиб чиқиши ўтган аср бошларида, энг аввало АҚШда, йирик корпорациялар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу корпорацияларда бошқариш ва эгалик қилиш вазифалари бошқа-бошқа шахслар қўлига ўта бошлаган. Корхонага эгалик қилиш ҳуқуқининг кўп сонли акциядорлар ўртасида парчаланиб кетиши ва бошқарув вазифасининг менежерлар қўлига ўтиши мулкдорлар билан менежерлар ўртасида ўзаро зиддиятли муносабатлар туғилишига олиб келди. Бундай муносабатларнинг сабаби шу эдики, менежерларнинг бошқарув соҳасидаги ҳаракатлари ҳамма вақт ҳам мулкдорларнинг манфаатларига мос келавермас эди (мулкдор сарфлаган сармомясига максимал даражада фойда олишга ҳаракат қилади,

менежер эса кўплаб бошқа локал мақсадларни; шахсий даромадлар юқори даражада бўлишини таъминлаш, тинч-хотиржам ҳаётни сақлаб туриш, корпорация узоқ муддат давомида яшаши ва бошқа мақсадларни) кўзлайди.

Замонавий иқтисодиётда мазкур муаммони ҳал қилишга, яъни корпорацияларда мулкдорлик билан мулкни бошқариш бир-биридан ажралиши туфайли келиб чиқадиган зиддиятларни бартараф этишга икки хил ёндашув мавжуд. Мулк майда қисмларга бўлиниб кетган иқтисодиётда (АҚШ, Буюк Британия) менежер ўзини оппортунистларча тутиши мумкинлиги ўртада низо келтириб чиқаради. Бу низо менежернинг акциядорлар манфаатларига зарар етказган ҳолда ўз манфаатларини кўзлашга мойиллиги билан боғлиқ. Бундай шароитда майда акциядорлар, қоида тариқасида, менежерларнинг бошқарув фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрната олмайдилар ҳам, бундан манфаатдор бўлмайдилар ҳам. Бу мамлакатларда юқори даражада ривожланган фонд бозори мавжуд бўлиб, унда инвесторларнинг манфаатлари етарлича ҳимоя қилинади, шунингдек, акциядор бевосита кам аралашадиган, профессионал менежерлар бошқарадиган корпорациялар кўпчиликни ташкил этади.

Германия, Япония ва Россия каби мамлакатлар иқтисодиётида мулкнинг тижорат банклари қўлида тўпланиши (ишончномалар олиш, банк депозитарийлари қимматли қоғозларни сақлашга қабул қилиши ва шу каби йўллар билан) таъминланмоқда ва бу мамлакатларда акциядорлар билан менежерлар ўртасида амалда низо чикмайди. Йирик мулкдорлар, ёки ўзлари компанияларни бошқарадилар, ёки уларнинг ишига шу қадар фаол аралашадилар ва уларни шу қадар қаттиқ назорат қиладиларки, натижада менежерлар оппортунизмига ўрин қолмайди. Назоратдан хусусий наф кўриш агентларни иқтисодий жиҳатдан номақбул ҳаракатларга ундаши мумкин. Бу ҳаракатлар компаниянинг бозор баҳосини оширишдан кўра кўпроқ миноритар акциядорлар мулкни экспроприация қилишга (активларни олиб кўйиш, дивидендлар тўлашдан бош тортиш, нархлар борасида хийла-найранг

ишлатиш ва ҳоказолар орқали) қаратилиши мумкин. Йирик ва майда акциядорларнинг манфаатлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келайвермайди ёки ҳеч бўлмаганда, тўла мос келмайди.

Шундай қилиб, ҳозирги корпорацияларда мулк ҳуқуқи билан бошқарув вазибаларининг бир-биридан ажратилиши менежерларни тизгинлайдиган, улар мулкдорлар манфаатларини кўзлаб иш олиб боришини таъминлайдиган институциявий чекловлар белгиланишини ғоят зарур қилиб кўйди. Иқтисодий тадқиқотларда бу масалани ҳал қилиш учун одатда ташқи ва ички корпоратив назорат воситалари кўрсатиб ўтилади. Буларга менежернинг акциядорлар манфаатларига мос хулқ-атворини рағбатлантириш (“ёғлаб туриш” усули) ёки менежернинг ҳаракатлари акциядорларнинг манфаатларига мос келмаган тақдирда унга нисбатан жазо чораларини (асосан иқтисодий жазоларни қўллаш (“қамчи” усули) асос бўлади.

Ташқи воситалар жумласига менежерларни акциядорлар манфаатини кўзлаган ҳолда самарали бошқаришга мажбур қиладиган фонд бозорини киритадилар. Чунки бошқарув ходимларининг самарасиз ишлари оммавий равишда “оёқ билан овоз беришга” (акцияларни сотишга) олиб келиши мумкин. Бу эса акцияларнинг бозор котировкалари пасайиб кетишига сабаб бўлади ва рақиблар компанияни кўшиб олиши, менежмент алмаштирилиши учун шароит яратади. Ночорлик ҳам ташқи корпоратив назорат воситасидир. Товар бозорларидаги рақобат фирма раҳбарларининг тўловга қобилиятсизликка ва банкротликка имкон бермайдиган рақобатбардош ва тўғри сиёсат юритишларига ёрдам беради. Ночорлик институтининг амал қилиши дунёнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларида бир бутун мулкый мажмуа бўлмиш корхонани сотиб юбориш ва парчалаб ташлашга эмас, балки уни соғломлаштириш ва санациялашга қаратилган бўлиб, кўрилган чоратадбирлар натижасида кўпинча мулкдорлар ва юқори менежерлар алмашади.

Менежерлар ишини корпоратив назорат қилишнинг ички механизмлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– менежерлар ўзлари раҳбарлик қиладиган корпорацияларнинг акциядорлик сармоясида иштирок этиши;

– менежернинг иш соҳасидаги обрў-эътибори;

– менежерларни муайян мақсадларга эришганлиги учун пул билан рағбатланшириш. Бу пуллар, ёки абсолют миқдорда ёки эришилган натижадан (фойданинг ўсишидан, сотиш ҳажмининг кўпайишидан, харажатлар тежалишидан, бозордаги улуш кўпайишидан ва шу кабилардан) фоизлар тарзида берилади;

– менежерлар билан акциядорлар ўртасида воситачи бўлин бўлган махсус орган – кузатув кенгашилини тузиш (фаолиятнинг ижобий натижаларидан манфаатдор бўлган мустақил директорлар кенгаши раҳбарлик қилувчи ижроия органи назорат остида ишлашини таъминлайди);

– корпорация менежерларини бевосита назорат қилиш имконига эга бўлган стратегик инвесторлар – йирик акциядорларнинг пайдо бўлиши.

Гарчи, хорижлик тадқиқотчиларнинг кўпчилиги менежерлар ишини ва йирик акциядорларни тўлиқ назорат қилиб бўлмаслигини эътироф этсаларда, бироқ, интизомга солувчи ташқи ва ички корпоратив назорат воситаларининг умумий таъсири юқори раҳбариятни, корпорация ва унинг акциядорлари манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатишини таъминлашга имкон беради.

Агар Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган баъзи мамлакатларнинг акциядорлик жамиятларида 1990 йиллар бошлари ва ўрталарида асосий низо ўз мулкани қаттиқ туриб ҳимоя қилган “қизил директорлар” билан янги ташқи инвесторлар ўртасида авж олган бўлса, корпоратив иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида ички жараёнлар анча ўзгарган.

Биринчидан, кўпчилик акциядорлик жамиятларида корпоратив назорат ниҳоят стратегик мулкдорлар қўлида тўпланди. Йирик акция пакетларини олиш-сотиш юзасидан вақти-вақти билан тузиладиган битимлар, қоида тариқасида, мамлакат корпорациялари вертикал интеграциялашган

тузилмаларини яратиши, ҳамда бошқа соҳаларга тегишли активлардан кутулиши билан боғлиқ бўлади. Энди янги мулкдорлар акциядорлик сармоясининг асосий қисмига эгалик қилмоқдалар ва менежерлар оппортунизмига ўрин қолмаётир. Менежерлар мулкдорлар томонидан назорат қилинмоқда, корпорацияларнинг молиявий-хўжалик сиёсати йирик акциядорларнинг манфаатлари билан уйғунлашган.

Иккинчидан, корпоратив мулкдорларнинг “ички оппортунизми” деб аталадиган муаммо тобора кўп учрамоқда. Бунда мулкдор томонидан “хизматга буюрилган” менежерлар ўзларига ваколат берган акциядорларнинг корпоратив манфаатлари қолиб, шахсий субъектив манфаатларига амал қила бошлайдилар. Кўпинча йирик акциядорнинг вакили бўлмиш менежер сарфланган сармояни максимал даражада кўпайтириш мақсадидан (акциядорнинг асосий мақсадидан) четлашади, бошқа омиллар (шахсий даромадни кўпайтириш, инновацияларни жорий этишга ва ишлаб чиқаришни модернизациялашга хоҳиш йўқлиги ва ҳ.к) таъсирини сезади.

Шу тариқа муаммо мажоритар ва миноритар акциядорларнинг ўзаро муносабатларига кўчади. Стратегик мулкдорлар миноритарларнинг манфаатларига бирон-бир тарзда амал қилишдан озгина бўлса ҳам манфаатдор эмаслар. Маълум даражада ишонч билан шуни тахмин қилиш мумкинки, корхона ташқи қарзларга фаолроқ мурожаат қила бошлаганидагина майда акциядорларнинг манфаатлари бузилмайди. Корпорацияларни молиялаш тузилмасида банклардан кредит олиш ва ўз маблағларидан фойдаланиш устун бўлиб қолар экан, миноритарларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ҳеч бир натижасиз тугайверади. Ҳозир айнан ўз қимматли қоғозларини ошкор жойлаштириш дастурларини амалга ошира бошлаган компаниялар корпоратив бошқарувнинг сифати масаласида етакчиларга айланганлиги тасодифий эмас.

Фикримизча, муаммо назорат қилувчи акциядорлар билан бошқа иштирокчилар ўртасидаги, бошқача қилиб айтганда, корпорациянинг

молиявий инвесторлари билан номолиявий инвесторлари, чунончи майда акциядорлар, кредиторлар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий ҳамжамият, меҳнат жамоаси ва ҳоказолар ўртасидаги муносабатлар соҳасига кўчмоқда.

Ҳозир назорат қилувчи акциядорлар мутлақ ҳокимиятни ўз қўлларига олмоқдалар ва бошқа томонларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмаётирлар. ЮКОС компанияси билан содир бўлганидек, акциядорларга ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ёрдамида таъсир ўтказишдек камдан-кам учрайдиган ҳоллар фақат вақтинча самара бериши мумкин ва улар вазиятни бутунлай ўзгартирмайди. Шу сабабли акциядорлик компанияларида мутлақ ҳокимиятни қўлга киритиб олган мулкдорларга нисбатан “чекловлар ва посангилар” белгилайдиган тадбирлар ва институтлар тизимини такомиллаштириш талаб қилинади. Компаниялар сармоя жалб этиш зарурлиги туфайли корпоратив бошқарув сифатининг яхшиланиши ҳисобига муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолишига умид қилмагани маъқул.

Давлат ўз томонидан ёппасига инсайдер назоратини “юмшатиш” учун куч-ғайрат сарфлаши керак. Ҳозирча эса турли давлатларнинг корпоратив муносабатларни тартибга солишга қаратилган сиёсатида чалкашлик ҳукм сурмоқда. Бир томондан, қонунчилик амалиёти акциядорларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади, иккинчи томондан эса, мулк юқори даражада марказлашган. Бу ҳол корпоратив шантажнинг ривожланишига имкон беради.

Гарчи акциядорлик муносабатларига киришган ҳамма субъектларнинг манфаатларини тўла-тўқис ҳисобга оладиган тизимни яратиб бўлмасда, бизнинг вазифамиз бирон-бир субъектлар гуруҳининг манфаатлари камситилиши ёки инкор этилишига тўсқинлик қиладиган чекловларни такомиллаштириб, акциядорлик муносабатларининг барча субъектлари ўз манфаатларини максимал даражада рўёбга чиқара олишларига эришишдан иборат. Акциядорлик муносабатлари субъектларининг иқтисодий

манфаатларини рўёбга чиқариш ва мувофиқлаштириш муаммосининг марказида мулкчилик муносабатлари ётади.

Ана шу нуқтаи назардан олганда, мулкчилик муносабатларини икки йўналишда ислоҳ қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Субъектлар манфаатларини таъминлаш яхшиланиши билан бир қаторда мулкнинг мавжуд тақсимланиш самарадорлиги ошишига ёрдам берадиган институциявий муҳитни такомиллаштириш:

– кўпчилик очик акциядорлик жамиятларининг акциялари савдога кўйиладиган ликвидли фонд бозорини яратиш, шунингдек, корхоналар янада очик-ойдин ишлашига эришиш ва ахборотни эълон қилиш тизимини ривожлантириш зарур;

– корхонанинг ночорлиги, бошқа барча жиҳатларидан ташқари, самарасиз ишлайдиган раҳбарлар ва мулкдорларни элақдан ўтказадиган жиддий механизм ҳам бўлмоғи керак;

– раҳбарларнинг иқтисодий жавобгарлигини жорий этиш. Корпоратив бошқарув институтлари яхши ишламаётган бир шароитда раҳбарларнинг ўз бошқарув фаолияти натижалари учун иқтисодий жавобгарлигини жорий этиш менежерларни самарали ишлашга рағбатлантирувчи таъсирчан чора бўлиши мумкин;

– активларни қониқарсиз бошқариш хатарларини ўз зиммасига оладиган махсус бошқарувчи компанияларни ташкил этиш;

– рейтинглар тизимини жорий этиш. Корпорациялардаги корпоратив бошқарув сифатига доир маълумотларни ошқора тарқатиш акциядорлар манфаатларини кўзлаб, бошқаришни яхшилашнинг муҳим механизмидир;

– юксак даражали менежерлар ҳақидаги маълумотлар базасини ташкил этиш нопок раҳбарларни ажратиб олиш, ҳамда ўз маҳорати ва юксак обрў-эътиборга эгалигини исбот қилган директорларни юқори лавозимларга кўтариш имконини беради;

– юксак даражали менежерлар билан тузиладиган контракт шартларини мослашувчан, лаёқатли раҳбарлар даромадларини эришилган натижаларга қараб белгилаш имконини берадиган тарзда ишлаб чиқиш;

– йирик акциядорларнинг жавобгарлиги. Акциядорлик жамиятларида йирик акциядорларнинг менежмент сиёсатига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, корхонани тўловга қобилиятсизликка олиб борадиган ёки олиб бораётган ўз ҳаракатлари учун янада аниқ ва тўла жавобгарлигини жорий этиш миноритар акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни яхшилаши мукин.

2. Мулкнинг тақсимланишини такомиллаштириш, субъектларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан мавжуд институциявий муҳитга мос бўлишига эришиш:

– корхоналарнинг мулкый ҳуқуқлари янада самарали тақсимланишини рағбатлантирадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари ишлаб чиқиш;

– мулкни тақсимлашнинг самарали шакллари ишлаб чиқилишини давлат томонидан рағбатлантириш;

– корпорацияларнинг капитал концентрациялашувини ва инсайдерлик назоратини бўшаштиришга қаратилган сиёсатини рағбатлантиришни талаб этади.

1.3. Корпоратив бошқарув муносабатларида рискларни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари

Корпоратив бошқарув муносабатларида акциядорлик компанияларининг молиявий ва рақобатдаги барқарорлигини таъминлаш, унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш имкониятини берувчи рискларни бошқариш амалиётидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Рискларни бошқаришда таваккалчиликни баҳолаш масаласига алоҳида эътибор берилади.

Юридик ёки жисмоний шахслар томонидан капитал қўйилмалар йўналишини танлашда инвестициявий таваккалликни баҳолаш асосий меъзонлардан бири ҳисобланади.

Таваккаллик деганда қуйидагиларни тушуниш мумкин:

–ҳақиқатда рўй берган ҳодисаларнинг кутилганига нисбатан оғишини;

–тадбиркорлик ғоясига нисбатан бизнеснинг ривожланишини;

–лойиҳадаги пул оқимларининг режалаштирилган миқдорига нисбатан ўзгаришини;

–даромадлар ёки қўйилган капитал қайтишининг ноаниқлиги ёки ўзгарувчанлигини.

Таваккаллик (хатарлар) аниқ ёки ноаниқ молиявий йўқотиш сифатида қуйидагилар билан боғлиқ:

–қўйилган мақсаднинг нореаллиги;

–истикболли кўрсаткичларни ҳисоблашдаги хатоликлар;

–кутилаётган натижаларни баҳолашда субъектив ёндашув.

Тадбиркор таваккал қилар экан юқори фойда олиш билан бир вақтда зарар ҳам кўриб қолиш имконини танлайди, масалан:

–маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва у билан ишлаб чиқариш қувватларига қўшимча инвестицияларни жалб қилиш орқали бозордаги улушини оширишга қаратилган агрессив сиёсат зарар кўриш таваккаллигини оширади. Бозордаги аҳволнинг ўзгаришига операцион ричаг таъсир этади;

–ўз капитали рентабеллигини қўшимча кредитлар орқали оширишга интилиш молиявий барқарорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Бунда молиявий ричаг таъсир этади;

–заҳираларни минималлаштириш орқали юқори рентабелликка эришиши мумкин, лекин бунда операцион жараёнлардаги узилишлар ликвидликни йўқотиш таваккаллигини оширади;

–ҳаддан зиёд заҳираларни ташкил этиш активларнинг айланувчанлиги ва рентабеллиги пасайишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари активларга қўйилмалардан кутилаётган даромадларни ололмаслик хавфи ҳам таваккаллик орқасидан тўғридан-тўғри йўқотиш ҳисобланади. Активлар (акция) баҳосининг ошиши ва уларни ишлатишдан олинadиган даромад фоизларининг (дивиденд) ошиши ҳисобига олинadиган даромад – ўз капитали рентабеллигининг пасайиши таваккаллигини оширади.

Таваккаллик (хатарлар) тизимли ва тизимсиз турларига бўлинади.

Тизимли таваккаллик халқаро иқтисодий майдонда (мегоиқтисодий хатарлар) ва мамлакатда (макроиқтисодий) рўй бераётган умумиқтисодий ва сиёсий аҳвол, ресурслар баҳосининг ўсиши ва умумбозор миқёсида молиявий активлар баҳосининг пасайиши билан боғлиқ.

Тизимли таваккалликнинг алоҳида турларини таҳлил қилиб чиқамиз:

–Мамлакатдаги (макроиқтисодий) таваккаллик деганда иқтисодий беқарорлик ҳукм сураётган бирор бир давлат ёки унинг компаниялари қимматли қоғозларига маблағ қўйиш, дўстона муносабати бўлмаган давлатлар резидентларининг бир-бирига инвестицияси тушунилади:

–Қонунчилик ўзгариши билан боғлиқ таваккалчиликлар – иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзгариши билан боғлиқ;

–Валюта таваккаллиги – миллий валюта курсини ўзгариши билан боғлиқ таваккаллик. Бунда миллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан ошиши инвесторлар томонидан йўқотишларга олиб келади.

–Инвестиция таваккаллиги – молиявий активлар қиймати ва аҳоли харид қобилиятининг пасайиши, ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ошишига, миллий пул бирликларининг девальвациясига, ссуда фоизларининг ошиши, дебиторлик қарзлари ва инкассация муддатларининг чўзилишига, энергетика,

хом-ашё ва коммуникация бозорларининг монополия ёки олигополиялашувига олиб келади.

–Тармоқ таваккаллиги – алоҳида тармоқларга хос инқирозлар билан боғлиқ.

Тизимсиз таваккалликлар (микроиқтисодий) конкрет қимматли қоғоз ёки эмитентлар билан боғлиқ таваккалликлар бўлиб, қуйидагиларга бўлинади:

–Кредит (қарз) хатари – эмитентнинг маълум бир фаолият орқали фойда (зарар кўриш) олиш ва асосий қарз, фоизларни тўлаш имконияти билан боғлиқ таваккаллик;

–Ликвидлик таваккаллиги – қимматли қоғозларни сотишда уларнинг сифатини ўзгариши билан боғлиқ йўқотишлар;

–Фоизлар таваккаллиги – кредит бозорида фоиз ставкаларининг ўзгариши билан инвесторлар томонидан йўқотишлар эҳтимоллиги. Депозит ҳисоблар учун фоиз ставкаси ошса, паст фоизларда чиқарилган акциялар бозорга оммавий ташланади.

–Капитал таваккаллиги – қимматли қоғозларнинг барча турига маблағ кўйишининг таваккаллиги. Бунда асосан маблағ кўчмас мулк, товар ёки валютага тикилади.

–Селектив таваккаллик – инвестиция портфелини шакллантиришда қимматли қоғозларни бошқаларига нисбатан нотўғри танлаш билан боғлиқ хатарлар, ёки уларнинг инвестициявий сифатларини нотўғри баҳолаш;

–Қимматли қоғозларни етказиб беришдаги хатарлар – Фьючерс бўйича қимматли қоғозларнинг ўз вақтида етказиб бера олинмаслиги билан боғлиқ хатарлар;

–Операцион хатарлар – ахборотларни компьютерда қайта ишлашдаги носозликлар, менежерлар ва техник ҳодимлар малакасининг пастлиги, технологияларнинг бузилиши билан боғлиқ хатарлар.

Молиявий леверидж – корхонанинг ўз капитали рентабеллиги коэффиценти ўзгаришига таъсир этувчи қарз маблағларидан фойдаланишни тавсифлайди.

Қарз маблағларининг турли нисбатида ўз капиталининг қўшимча фойда даражасини ифодаловчи кўрсаткич молиявий леверидж бўлиб, куйдаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{ЭФЛ} + (1 - \text{Снп}) * (\text{КВРа} - \text{ПК}) * \text{ЗК} \text{ СК},$$

Бу ерда, ЭФЛ - ўз капитали рентабеллик коэффицентининг ўсишини ифодаловчи молиявий леверидж самараси, %

Снп - ўнлик қаср кўринишида фойдага солиқ ставкаси, %;

КВРа - ялпи активлар рентабеллиги коэффиценти, (ялпи фойданинг ўртача баҳога нисбати), %;

ПК - корхона томонидан олинган кредит учун ўртача тўлов фоизи, %;

ЗК – корхона томонидан олинган кредитларнинг ўртача миқдори;

СК - корхона ўз капиталининг ўртача миқдори;

Молиявий леверидж – корхонанинг ўз ва қарз молиявий маблағлари ўзгаришининг ўз капитали рентабеллиги даражасига таъсир этиш механизмидир.

Операцион леверидж – рентабелликка доимий ва ўзгарувчан ҳаражатлар нисбати ўзгаришининг таъсирини ифодалайди.

Молиявий хатарларни пасайтиришнинг бир неча усуллари мавжуд. Молиявий хатарлар улардан қочиш, ушлаб туриш ёки унинг даражасини пасайтириш орқали камайтиради.

Хатардан қочиш – таваккалчилик билан боғлиқ бўлган тадбирлардан воз кечиш орқали амалга оширилади.

Хатарни ушлаб туриш деганда молиявий таваккалчилиги учун жавобгарликни бошқа шахс, яъни суғурта компаниялари зиммасига юклаш тушунилади.

Хатар даражасини пасайтириш – йўқотишлар эҳтимоллиги ва миқдорини қисқартириш.

Молиявий хатарлар олдини олишнинг аниқ воситасини танлашда куйидаги тамойилларга таянилади:

–ўз капиталидан катта маблағлар билан таваккалчиликка йўл қўймаслик;

–таваккалчилик оқибатларини олдиндан ҳисобга олиш;

–кичик фойда учун катта маблағ билан таваккал қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Биринчи тамойилда инвесторлар капитал қўйишдан олдин ушбу таваккаллик ҳисобига мумкин бўлган энг катта зарар кўриш хатарини баҳолаш ва зарар миқдорини жами қўйилаётган капитал ва ўз капитали миқдори билан таққослаб кўришлари керак.

Бевосита инвестицияларда одатда зарар ҳажми венчур капитали миқдorigа тенг. Портфел инвестицияларда эса, яъни қимматли қоғозларни сотиб олишда, зарар ҳажми сарфланган капитал ҳажмидан кам бўлади. Кутилиши мумкин бўлган энг катта зарар миқдорининг инвестор ўз молиявий ресурсларига нисбати корхонани банкротликка олиб келиши мумкин бўлган таваккалчилик (хатар) даражасини белгилайди. Таваккаллик даражаси таваккаллик коэффиценти билан ўлчанади.

$$\text{Таваккалли к коэффиценти} = \frac{\text{кўрилиши мумкин бўлган энг катта зарар миқдори}}{\text{ўз молиявий ресурслари ҳажми}}$$

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, коэффицентнинг оптимал қиймати - 0,3га тенг бўлиб, 0,7 ва ундан катта бўлса инвесторнинг банкротликка учраш хавфи юқори бўлади.

Иккинчи тамойилга кўра инвестор кўриши мумкин бўлган зарарнинг энг катта миқдорини билиши ва унинг хатарини ўз зиммасига олиши ёки бошқаларга юклаши мумкин.

Учинчи тамойил асосан хатарни бошқа шахс зиммасига ўтказилаётганда қўлланилади. Бу ҳолатда инвесторни суғурта бадали ва суғурта пули ўртасидаги мувофиқлик қаноатлантириши керак.

Суғурта бадали – бу суғурталанувчининг суғурталовчига суғурта таваккаллиги учун тўлови.

Суғурта пули – суғурталанган моддий қимматликлар суғурталанган пул миқдори.

Молиявий хатарларни камайтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- диверсификация;
- танлаш ва натижалар тўғрисида қўшимча ахборотларни сотиб олиш;
- лимитлаш;
- суғурталаш ва бошқалар.

Диверсификация деганда сармойани турли-хил, бир-бирига боғлиқ бўлмаган объектларга қўйиш тушунилади. Инвестиция жамғармаларининг фаолияти асосан диверсификациялашга асосланиб, улар ўз мижозларига сотган акциялардан тушган тушумни бошқа барқарор даромад келтирувчи қимматли қоғозларга қўядилар.

Ахборотлар ёки маълумотлар ҳам керак бўлганда қимматбаҳо товар сифатида сотиб олинади. Тўлиқ маълумотларнинг баҳосига бирор бир сотиб олинаётган нарса баҳосининг кутилаётган баҳосидан фарқи сифатида қаралади.

Лимитлаш – бу лимитни ўрнатиш, яъни харажатларни чегаралаш бўлиб, банклар томонидан ссуда беришда, хўжалик субъектлари томонидан

товарларни қарзга сотишда, инвесторлар томонидан қўйиладиган капитал суммасини белгилашда фойдаланилади.

Суғурталашдан мақсад, инвестор хатардан қисман ёки бутунлай қочиш мақсадида ўз даромадининг бир қисмидан воз кечади. Хатарни (таваккаллик) суғурталаш унинг даражасини пасайтиришнинг энг кенг тарқалган усулларида ҳисобланади.

II БОБ. АЛОҚА СОҲАСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

2.1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси акциядорлик жамиятларида дивиденд тўлови таҳлили

Маълумки, корпоратив бошқарув — акциядорлик жамиятлари барча иштирокчилари, шу жумладан, акциялар кичик пакетлари эгаларининг ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда, рақобат шароитида корхонага муваффақиятли фаолият кўрсатиш имконини берувчи бошқарув қоидаларининг адолатлилиги, акциядорлик жамиятига тегишли барча муҳим масалалар, шу жумладан мулк таркиби, молиявий аҳволи, фаолият натижалари бўйича ахборотнинг ўз вақтида ва аниқ ошкор этилишини назарда тутувчи шаффофлик каби тамойилларга асосланади. Бундан ташқари барча бошқарув органлари функциялари ва ваколатларининг аниқ чегараланишини назарда тутувчи ҳамда ижроия органларининг Кузатув кенгашигава жамият акциядорларига ҳисоботларнинг берилиши лозимлиги, раҳбарият ва акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ қарорларни қабул қилувчи шахсларнинг акциядорлар, бошқа манфаатдор шахслар олдида жавобгарлиги ҳам корпоратив бошқарув принципларига киради.

Корпоратив бошқарув — акциядорлик жамияти фаолиятидан манфаатдор бўлган турли гуруҳга мансуб шахслар манфаатларининг

мувозанатини таъминлаш воситасидир. У акциядорлик жамиятининг самарали фаолиятини таъминлаш, мулкдорлар ҳамда бошқа манфаатдор шахсларнинг манфаатларини ҳимоялаш масалалари бўйича менежерлар, мулкдорлар ва акциядорларнинг ўзаро муносабатлари тизимини ўзида намоён этади. Товар ва хизматлар бозорида мавжуд рақобат муҳитига кўникиб, катта даромад олиш мақсадида корхонада менежмент, маркетинг масалаларини пухта ташкил этганларгина узоқ ва самарали фаолият юритади. Айниқса, корхонада мукамал тузилган бизнес-режа асосида иш тутилиши фаолият самарасини оширади ва бундай бизнес-режа корхонанинг юқори даромад олишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сонли қарори билан Давлат мулки қўмитасига бизнес-режаларнинг асосий кўрсаткичлари бажарилмаган ёки ҳисобот йил учун самарали бизнес-режалари мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу хўжалик жамиятларидаги давлатнинг ишончли вакиллари ёки бошқарувчи компанияларни алмаштириш, ижрочи директорларни белгиланган тартибда лавозимидан озод этиш ҳуқуқи берилди. Бугунги кунда қўмита томонидан аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу пайтга қадар хўжалик жамиятларининг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси молиявий йил якунларига бағишланган акциядорларнинг Умумий йиғилишида тасдиқланар эди. Бу кейинги молия-хўжалик йилининг биринчи ярми якунланиши даврига тўғри келарди. Шунини алоҳида айтиш жоизки, ушбу ҳолат жамият ижроия органи раҳбарининг фаолиятини холисона баҳолашга имконият бермайди. Чунки ўтган йиллар тажрибасидан бизнес-режа ҳисобот йилининг ярми ортда қолган бир пайтда муҳокамага қўйилиши бесамар экани ойдинлашди. Бунда Президентимизнинг 2006 йил 27 сентябрдаги “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–475-сонли қарори корпоратив бошқарув механизмини такомиллаштириш ва тизимдаги мавжуд

муаммоларни бартараф этишда аҳамиятга молик хужжатлардан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, корхонанинг келгуси йилга мўлжалланган фаолиятини самарали режалаштириш, акциядорларнинг йил якунлари бўйича ўтказиладиган Умумий йиғилишида ижроия органи раҳбарига холисона баҳо берилишини таъминлаш мақсадида мазкур қарор талабларига кўра, жамиятнинг келгуси молия-хўжалик йилига мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши томонидан ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар маъқулланиши ҳам ғоятда аҳамиятлидир.

Ушбу қарор асосида 2007 йилнинг 1 январидан баланс активлари 1 млрд. сўмдан юқори бўлган корхоналарда ички аудит хизматининг жорий этилгани сўзимиз аввалида айтиб ўтилган муаммолар ўз ечимини топиши, корхонанинг самарали фаолият юртиши учун кенг имконият бермоқда Ушбу ички аудит хизмати корхонада ички назоратни, шунингдек, қонун хужжатлари, жамиятнинг таъсис ва ички хужжатларига, корпоратив бошқарув тамойилларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Корхоналарда доимий ички аудит хизматининг жорий этилиши рентабелликни ошириш ва зарардан ҳимояланиш имконини беради. Шу билан бирга, ички аудит хизмати корхона Кузатув кенгашига жамият молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича маслаҳатлар тақдим этади, Кузатув кенгашининг корхонадаги мавжуд ҳолатга оид аниқ маълумотларга эга бўлиши эса уни жамият истиқболи учун омилкорлик билан иш тутишга ундайди.

Эндиликда ушбу қарорга асосан, устав капиталида давлат акция пакетлари 50 фоиздан юқори бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти Давлат мулки кўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган аудиторлик ташкилотлари рўйхати бўйича танлов асосида аниқланади. Бу мезон, шубҳасиз, мустақил аудиторлик ташкилотларининг корхонада аудиторлик текширувини ўтказишдаги масъулиятини орттиради. Ўз навбатида корпоратив бошқарув тизими

самарадорлигининг ошиши, пировардида корхона ишлаб чиқариш ҳажмининг юксалишида муҳим омил бўлади. Бу — ички ва ташқи бозорда корхона имижини шаклланишида айна муддаодир.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятини асосий буғуни бу фойда олишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Демак, муамилага чиқарилган акциялар орқали қўшимча молиявий маблағлар шаклланади ва жамиятнинг ривожлантиришига йўналтирилади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги миллий операторлардан бири ҳисобланади. Бу операторнинг фаолияти бевосита аҳоли ва юридик шахсларни почта хизматларидан ташқари бошқа турдаги турли хизматларни кўрсатишдан иборатдир. Почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларни жорий этиш борасида бир қатор амалий ишлар амалга оширилди.

“Тошкент почтамати” филиалида янги хизмат турларидан, курьерлик хизматини Интернет орқали чақирув дастур модули фойдаланишга топширилган.

Жамиятнинг корпоратив компьютер тизими орқали электрон маълумот алмашинуви, «Электрон пул ўтказмалари», «Пул тўловларини қабул қилиш» ва «Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш автоматлаштирилган тизими» хизматлари кўрсатилмоқда.

Республиканинг барча вилоят, туман марказларида ва бир қатор ҳудудларида электрон пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўловини амалга ошириш ташкил этилган. Ҳозирги кунда Электрон пул ўтказмалари тизимига 878 та почта алоқаси объекти уланган, шу жумладан 2011 йилда 470 та.

Электрон пул ўтказмалари тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2011 йилда 545 та ходимга электрон-рақамли имзо калитлари берилди ва унинг сони 1508 тага етди.

Жамиятнинг 966 та почта алоқаси объектларида замонавий хизматлар кўрсатилмоқда. 2010 йилга нисбатан ўсиш 1,92 баробар.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг 776 та (шу жумладан, 2011 йилда 449та, ўсиш 2,37 баробар) алоқа бўлими замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизматларнинг янги турларини кўрсатиш учун компьютерлаштирилган, улардан 164таси “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси филиалларининг биллинг тизимига On-line тартибида уланган.


Хизмат кўрсатиш учун автоматлаштирилган янги иш жойлари 1168 тани ташкил этди (шу жумладан, 2011 йилда 455 та.)

Пластик карточкалари билан ишлашни таъминлаш бўйича почта алоқа объектларида 992 та терминаллар ўрнатилган. (2011 йилда 401та)

Бундан ташқари “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ томонидан асосий фаолияти бўйича ёзма хат хабарлар ҳажми 14,3 млн. донани, посылкалар сони 89,7 минг донани, пул ўтказмалари 911,1 минг донани ташкил этиши кутилмоқда.

Юқорида келтирилган ижобий натижаларни янада кенгайтириш орқали почта алоқаси объектларини иқтисодий нуфузини ошириш ҳамда рақобат муҳитида мустахкам бозор сегментига эга бўлишга имкон яратилади.

Куйида келтирилган жадвалда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси акциядорлик компаниялари томонидан 2008-2010 йилларда олинган соф фойда таҳлили келтирилган.



Манба: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотлари

2.1-Расм. Соҳа акциядорлик компаниялари томонидан 2008-2010 йилларда олинган соф фойда таҳлили


Расмда келтирилган алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган акциядорлик компаниялари томонидан 2008-2010 йилларда олинган соф фойда таҳлилига кўра 2008 йилда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ 1883.5 млн.сўм соф фойда олган. Бу курсаткич “Матбуот тарқатувчи” АК соф фойдасига нисбатан 140 % куп бўлса, “Ўзтелеком” АК соф фойдасидан 4,5 баробар кам демакдир. Очик акциядорлик жамияти соф фойдаси йилдан йилга ортиб борган. Жумладан 2009 йилда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ 2339,9 млн.сўм соф фойда олган бўлиб бу курсаткич 2008 йилга нисбатан 156 % ортиқ демакдир. Соҳадаги бошқа акциядорлик компаниялари билан таққослайдиган бўлсак, бу курсаткич “Матбуот тарқатувчи” АК соф фойдасига нисбатан 147 % куп бўлса, “Ўзтелеком” АК соф фойдасидан 2.1 баробар кам демакдир. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖни соф фойдасини ортиши билан бир қаторда “Ўзтелеком” АК соф фойдаси миқдори 5% пасайган. 2010 йил якунларига кўра “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ соф фойдаси миқдори 2008

йилга нисбатан 147% %, 2009 йилга нисбатан эса 188% ортган. Бу жараён бевосита почта алоқаси соҳасида самарали корпоратив бошқарув тизими йўлга қуйилганлигидан далолат беради.

Ҳар бир акциядорнинг акция сотиб олишидан асосий мақсад бу бевосита қушимча даромад, яъни дивиденд олиши ҳисобланади. Дивидендларнинг корпорация молиясидаги роли ва ўрнини кўриб чиқар эканмиз, акциядорлик жамиятларида дивидендларнинг кафолатли тўланишини таъминлаш учун дивиденд фондини яратиш, корпорация молиясининг тизимини оптималлаштириш, шунингдек дивидендларнинг шакллари, тўпланиши ва сарфланишининг ошкоралик режимини шакллантириш масалалари кўриб чиқилди. Бунда, дивиденд фонди маблағларини, улар қисқа муддатли депозитларда жойлаштирилгунга қадар, уларни тўплаш мақсадларида ёки корхонанинг айланма капиталида фойдаланиш масаласи кўриб чиқилди.

Дивидендларнинг тўланишини таъминлаш инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш воситаси сифатида қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиши керак. Таъкидлаш жоизки, бунда шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, компанияларни дивиденд тўлашга мажбур қиладиган маъмурий чоралар компаниянинг молиявий кўрсаткичлар ҳисоботларининг ўзгартириб кўрсатилишига ва активларни олиб чиқилишига олиб келиши мумкиндир.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари томонидан туланган дивидендлар миқдори таҳлили натижалари 2.2-расмда келтирилган.



2.2-Расм. Соҳа акциядорлик компаниялари томонидан тўланган дивидендлар миқдори таҳлили

2.2-Расмда келтирилган соҳа акциядорлик компаниялари томонидан тўланган дивидендлар миқдори таҳлили кўра “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ 2008 йилда 1540,1 млн сўм миқдорда ўз акциядорларига дивиденд тўлаган. Таққослаш учун курадиган бўлсак, бу курсаткич “Матбуот тарқатувчи” АК нисбатан қарийиб 2.1 баробар куп бўлса, “Ўзтелеком” АК тулаган дивидендларга нисбатан қарийиб 1.5 баробар кам демакдир. Таҳлил натижаларига кўра култирилган акциядорлик жамиятлари орасида фақат “Ўзбекистон почтаси“ акциядорларни мутадил равишда дивиденд тулаб келган, яъни агар жамият 2008 йилда 1540,1 млн сўм миқдорда ўз акциядорларига дивиденд тўлаган бўлса 2009 йилда бу курсаткич 105 % ортган ва 1616,9 млн сўмни ташкил этган ҳамда 2010 йилга келиб туланган дивидендлар миқдори 1852,2 млн сўмга тенг бўлган. Шу уринда таҳлил этилаётган даврда “Ўзтелеком” АК 2009 йилда 1650,9 млн сўмлик дивиденд тулаган ва қолган маблағларни реинвестиция қилган бўлса, “Матбуот тарқатувчи” АК эса 2009 йилда энг юқори курсаткич 1003,2 млн сўм

микдорида дивиденд тулаган. 2010 йилга келиб бу курсаткич 18,2 млн сўмга камайган ва 985 млн сўмни ташкил этган.

2.2. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ мисолида почта алоқаси соҳасида корпоратив бошқарувни шакллантириш жараёнларини тадқиқ этиш

Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси-почта алоқаси объектлари, почта алоқаси тармоқлари, алоқа бўлимлари ва почта йўналишларининг почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлаб чиқиш ва етказишга мўлжалланган кенг қулоч ёзган тармоқдир. Почта алоқаси муассасалари-умумдавлат алоқа тармоғи тизимидаги мустақил хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бирлиги бўлиб, маълумотларни узатиш ишлаб чиқариш жараёнини ва фаолиятини ташкил этади. Иқтисодийни модернизация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнлари почта алоқаси соҳасини ҳам четлаб ўтмади. “Ўзбекистон почтаси” очик турдаги акциядорлик жамияти мисолида соҳа менеджментини такомиллаштириш жараёнлари бир қанча босқичлардан иборат булди. “Ўзбекистон почтаси” очик турдаги акциядорлик жамияти мисолида соҳа менеджментини такомиллаштириш жараёнлари асосий босқичлари 1.1-жадвалда келтирилган.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, почта хизмати сифатини ошириш ва филиалларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича маълум ишлар амалга оширилиб, режалаштирилган 45,4 млрд. сўм ўрнига 45,9 млрд. сўмлик даромад олинди, 101 фоизни ва режалаштирилган 963,5 млн.сўм соф фойда ўрнига 1 926,8 млн.сўм соф фойда олинди ҳамда 200 фоизни ташкил этди.Шу билан бирга, ҳисобот даврида 407,2 млн.сўм гудвилл Жамият даромади ҳисобидан қопланган ҳолда харажатга олиб борилди.

Давлат бюджетига 13,6 млрд. сўмлик солиқ ва бошқа ажратмалар тўланди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 143 фоизни ташкил қилди (2008 йилнинг шу даврига 9,5 млрд.сўмни ташкил қилган).

Почта жўнатмаларини айирбошлаш ҳажмий кўрсаткичларининг бажарилиши бизнес-режага нисбатан: юборилаётган ёзма хат-хабарлар 12,1млн.дона - 101 %, посилкалар 63,1 минг дона- 105 % ва пул жўнатмалари 648,0 минг дона – 104 %габажарилган.

2009 йил 31декабрь ҳолатига иш ҳақи тўлаш юзасидан 117,3 млн.сўм (Тошкент филиали) қарздорлик вужудга келган, ўртача иш ҳақи йил бошидан 173 628 сўмни ташкил қилди.

Почта алоқаси корхоналарида янги хизмат турлари комплексини жорий этиш мақсадида электрон пул жўнатмалари тизимини янада такомиллаштириш, истемолчиларга яқинлаштириш мақсадида вилоятларда босқичма-босқич почта алоқаси тармоқлари уланиб ҳисобот даврида 11,1млрд. сўмлик, сони бўйича 59958 та электрон пул ўтказмалари амалга оширилди ва 464,9 млн.сўм даромад олинди.

Телекоммуникация хизмати операторлари «UzNET» филиали, «East Telecom» қўшма корхоналари билан ҳамкорликда почта алоқаси объектларини ишончли ва сифатли маълумотлар узатиш воситалари билан таъминланди ҳамда Республикаимизнинг барча туман марказларида миждозларга электрон пул ўтказмалари хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ҳозирга кунда Жамиятнинг электрон пул ўтказмалари тизимига 216та почта алоқаси объектлари боғланиб, хизмат кўрсатилмоқда. Халқаро электрон пул ўтказмалари хизматини ташкил этиш мақсадида Бутунжаҳон почта иттифоқининг (IFS Light) электрон пул ўтказмалари тизими орқали Украина, Россия ва Қозоғистон давлатлари билан хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Жаҳон иқтисодий инқирози шароитида халқаро электрон пул ўтказмаларининг кирувчи ва чиқувчи пул ўтказмалари орасидаги фарқи

(сальдо) мувозанатини сақлаш мақсадида чиқувчи халқаро электрон пул ўтказмалари орқали фақатгина ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тўловлар амалга оширилмоқда.

Жамиятнинг «Халқаро почта» филиалида ЁДТҚҚМ томонидан шартнома асосида тайёрланган дастур «Почта жўнатмалари ўтишини назорат қилиш тизими» (ПЖЎНҚТ) ишга туширилди. Мазкур тизим кириб келувчи халқаро почта жўнатмаларини штрих код техникасига асосланган ҳолда почта алмашинуви пунктларида рўйхатга олиш ва тегишли маълумотларни Жамият сайтида акс эттириш имкониятини берди.

Ҳозирги кунда Жамиятнинг ПЖНҚМ филиали мутахассислари томонидан «Почта жўнатмалари ўтишини назорат қилиш тизими»нинг республика миқёсидаги дастурини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур тизимда чиқувчи, кировчи халқаро ва республика ичидаги почта жўнатмаларини «Халқаро почта» филиали – вилоят марказидаги почта айирбошлаш пунктлари – почта алоқаси тармоқлари суғурта участкаларида штрих код асосида автоматлаштирилган тарзда рўйхатга олиш кўзда тутилган.

ПЖЎНҚТ тизимини Бутунжаҳон почта уюшмасининг PNG тизимига боғлаш бўйича Жамият томонидан сотиб олинган дастур «EMS-FALCON» МЧЖда ўрнатилди ва синов ишлатиш ишлари олиб борилди ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этилди. Бундан ташқари ҳозирги кунда «Халқаро почта» филиалида ушбу дастурни ўрнатиш ва синов ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

«Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ўртасида имзоланган қўшма тадбирлар режасига асосан биллинг тизимига уланган почта алоқаси бўлимлари сони 147 тага етди. Ҳозирги кунда вилоят марказларида жойлашган йирик почта алоқа бўлимларини «Ўзбектелеком» АК филиаллари биллинг тизимига улаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда молиявий тўловлар бўйича операцияларни амалга оширишда Жамият томонидан 122 та пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш терминаллари ўрнатилган. Ҳозирги кунда «Алоқабанк» билан тузилган қўшма тадбирлар режасига мувофиқ филиалларнинг туман-шаҳар почта алоқаси тармоқларида ҳам пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш терминалларини ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Почта алоқа тармоқларида ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш мақсадида ҳозирги кунда 44 та Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари «Интернет кафе»лар фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга ҳудудий филиалларда «Интернет кафе» ва электрон пул ўтказмалари хизматини ташкил қилиш мақсадида 200 та компьютер, 192 та сервер, 160 та принтер ва 40 та кўп функцияли ускуна (сканер-ксерокс-принтер) сотиб олинди.

Почта алоқаси корхоналарининг ташкиллаштириш ва назорат қилиш почта алоқасида бошқарувни тўғри шаклланиши билан бағоланади. Почта алоқаси соҳасида ишларни ташкиллаштириш ва назорат қилиш “Ўзбекистон почтаси” ОАЖда бошқарувни шаклланишининг асосий функцияларидан саналади.

Почта алоқаси корхоналари томонидан ташкил этилган «Интернет-кафе»ларда Интернетга боғланиш, электрон почта, компьютер хизматлари, компьютер ўйинлари, ҳужжатларни сканерлаш, нусха кўчириш (ксерокопия), ахборотларни босмадан чиқариш, ахборотларни дискага ёзиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Нақд пул тушумини кўпайтиришни жадаллаштириш ва тушган нақд пул маблағларини биринчи навбатда пенсия ва нафақа тўловларини тўлашга йўналтириш бўйича почта алоқаси корхоналари томонидан Мобил алоқа операторларининг («Уздуробита» (МТС), «Билайн», «PerfectumMobile», «Ucell», «Ўзбектелеком мобайл») тезкор-тўлов карточкаларини ҳамда «БЎСТОН» ҚК, «UzNET», ТШТТ, ТошТТС, Шарқ телеком, корхоналарининг интернет ва телефон карточкаларини сотиш йўлга қўйилди.

Қорақолпоғистон, Навоий, Сурхондарё, Фарғона филиалларининг ишлаб чиқариш участкалари амалиёт залларида Мобил алоқа операторларининг («Уздуробита» МТС) алоқа марказларини ташкил этиш орқали абонентларни улаш (диллерлик шаҳобчалари) хизмати кўрсатилмоқда ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Жамият томонидан «РАҮНЕТ» МЧЖ ҚК билан Мобил алоқа операторлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловларини қабул қилиш бўйича ҳамкорликда иш олиб бориш юзасидан шартнома имзоланди. Ҳозирги кунда барча вилоят марказларида жойлашган йирик почта алоқа бўлимларида ушбу хизмат турини кўрсатиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Пенсия ва ижтимоий нафақаларни пенсионерларга етказиб бериш жараёнида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва ушбу жараённи автоматлаштириш орқали назоратни кучайтириш мақсадида «Фидо бизнес» МЧЖ билан тузилган шартномага биноан «Автоматлаштирилган пенсия тўловлари тизими»дастури Тошкент филиалининг Кибрай почта алоқаси

тармоғи (ПАТ) ва Қибрай туман ижтимоий таъминот бўлими (ТИТБ) ҳамда «Тошкент почтамати» филиалининг Юнусобод ПАТ ва Юнусобод ТИТБ ўртасида синов ишлатишдан ўтказилди. Шу билан бир қаторда Жамият мутахассислари томонидан ТИТБ маълумотларини конвертациялаш дастури ишлаб чиқилиб Қибрай ва Юнусобод ТИТБларига ўрнатилиб синов ишлатишдан ўтказилди. Ҳозирги кунда пенсия тўловлари хизматини почта корхоналаридан олиб Халқ банкига бериш тадбирлари бошланиши муносабати билан мазкур йўналишдаги ишлар қайта кўриб чиқилмоқда.

Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилишжараёнини автоматлаштириш мақсадида «Фидо бизнес» МЧЖ билан тузилган шартномага асосан филиал ва почта алоқа тармоқларида 190 та иш ўрни «Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими»га уланди ва хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

ПЖНҚМ филиалининг мутахассислари томонидан ҳудудий филиалларнинг ҳар бир ПАТдаги иккитадан ходим (оператор, бухгалтер)ларга (жами 190та ходимга) электрон рақамли имзо калитлари берилди ва АПТТда ишлаш бўйича ўқитилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан «ALFA-INVEST», «ASIA INSURANS» ва «ALSKOM» суғурта компаниялари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда ва ушбу хизматдан қўшимча даромад олинмоқда.

“Ўзбекистон почтаси” очик турдаги акциядорлик жамияти мисолида соҳа менеджментини
такомиллаштиришжараёнлари асосий босқичлари

Соҳа менеджментини такомиллаштиришбосқичлари	Амалга оширилган вақти	Амалга оширилган ишлар	Кутилган натижа
Биринчи босқич	1991 йил 1 октябрь	Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан почта ва электр алоқаси автоном мустақил хўжалик тизимларига бўлиш ҳақидаги қарор қабул қилинди.	Почта ва электр алоқасини автоном мустақил хўжалик тизимлари сифатида бозор шароитларига мослаштириш
	1991 йил декабрь	Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан почта ва электр алоқани хорижий давлатлар мисолида бўлиш тажрибасини ўрганиш учун ишчи гуруҳ тузилди	Хорижий давлатларида почта ва электр алоқасини алоҳида автоном мустақил хўжалик тизимлар сифатида фаолият юритиш тажрибасини ўрганиш
	1991 йил декабр ва 1992 йил февраль	Ишчи гуруҳи томонидан почта ва электр алоқани хорижий давлатлар мисолида бўлиш амалга оширилди	Хорижий давлатлари тажрибасидан келиб чакқан ҳолда соҳа менеджментини такомиллаштириш
	1992 йил 1 март	Ўзбекистон Республикасининг бўлинган почта алоқаси базасида “Ўзбекистон почтаси” концерни тузилди	Соҳа менеджментини такомиллаштириш ва давлат мулкидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш
Иккинчи босқич	Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 23 июль ПФ-1823-фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 июль 380-сон қарори	“Ўзбекистон почтаси” концерни, “Ўзбекистон почтаси” Давлат акционерлик компаниясига, “Ўзбекистон почтаси” концернининг давлат муассасалари эса очик акционерлик жамиятларига айлантирилди. “Ўзбекистон почтаси” компанияси акцияларининг 10% меҳнат жамоасига реализация қилинди, 15% очик савдога	Соҳа менеджментини такомиллаштириш ҳамда бошқарувда давлат иштирокини камайтириш

		чиқарилди, 75% эса давлат ҳисобига ўтказилди.	
	2001 йил ноябрь	“Ўзбекистон почтаси” ДАК таркибида давлат қарори билан Почта хавфсизлиги хизмати тузилди.	Почта жўнатмалари орқали юбориладиган турли зарарли ва портловчи моддаларни аниқлаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш
Учинчи босқич	Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва давлат қарори билан (2004 йил №339-сон)	“Ўзбекистон почтаси” ДАК “Ўзбекистон почтаси” очик акционерлик жамиятига айлантирилди ва жамият Ўзбекистон Республикаси миллий оператори сифатида қайд этилди. “Ўзбекистон почтаси” очик акционерлик жамияти Низом фондининг 51% давлат улуши деб белгиланди	Почта алоқасини бошқариш тузилмаси ва ишлаш самарадорлигини, шунингдек, давлат таъсарруфидан чиқиш ва давлат мулкани хусусийлаштиришни келгусида такомиллаштириш
Тўртинчи босқич	2007 йилда “Ўзбекистон почтаси” очик акционерлик жамиятини 25.4% акцияларини сотиш бўйича халқаро тендер эълон қилинди.	“Finax Ltd” Хитой коммуникация компанияси халқаро тендер ғолиби бўлди ва компанияга жамиятнинг 25.4% акциялари тегишли ҳисобланади. Давлат улуши 51%, меҳнат жамоаси улуши 1.4% эркин савдода 22.2% Тендер натижаларидан келиб чиққан ҳолда жамиятни кузатув кенгашига “Finax Ltd” Хитой коммуникация компаниясини икки нафар вакили киритилди.	“Ўзбекистон почтаси” очик акционерлик жамияти бошқарувини эркинлаштириш, соҳага чет эл инвестициялари ва тажрибасини кенг жалб этиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожланиши мамлакатнинг миллий даромадини оширишга ва бутун халқ хўжалигини самарали ишлашига туртки бўлади. Почта тармоғи ҳам алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ажралмас қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, почта алоқаси соҳаси аҳоли ва ишлаб чиқариш соҳасидаги барча ахборотларни узатишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган.

Почта алоқаси соҳаси бошқарув тизими қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ-бош бошқарув органи;
2. Худудий филиаллар (шу жумладан почтамтлар);
3. Почта алоқа боғламалари - юқори хизмат кўрсатиш звеноси;
4. Почта алоқа бўлимлари- қуйи хизмат кўрсатиш звеноси

Почта алоқаси муассасаларига шаҳар почтамтлари, алоқа узеллари, почтани ташиш бўлимлари, темир йўл қошидаги почтамтлар киради. Бу муассасалар маъмурий-хўжалик мустақилликка эга.

Шаҳар почтамтлари ва алоқа тармоқлари ўзларига бириктирилган ҳудудда почта алоқасини ташкил этади, миждозларга бевосита хизмат кўрсатади, яъни почта жўнатмаларини қабул қилади ва етказди, почтани ишлаб чиқади, шунингдек почтани ўзига бириктирилган маршрутларда ташишни амалга оширади. Иш ҳажмига кўра почтамтлар ташкил қилиб бўлмайдиган вилоят марказларида почта алоқасининг шаҳар тармоқлари, туман марказларида эса – туман тармоқлар тузилади

Шаҳар почтамтлари ва почта алоқалари тармоқларига аҳоли ва давлат бошқаруви ва халқ хўжалиги органларини кўрсатувчи почта алоқаси бўлимлари бўйсунди.

Бундан ташқари почта алоқаси бўлимларида почта жўнатмалари улар учун ўрнатилган ҳажмда ишлаб чиқилади. Кўпгина почта бўлимлари белгиланган маршрутларда почта ташишни амалга оширадilar.

Почта алоқаси бўлимлари маъмурий-хўжалик мустақилликка эга эмаслар, улар почтамтлар ёки почта алоқаси тармоқлари ишлаб чиқариш

комплексига кирадилар. Шу сабабли ҳуқуқий нуқтаи назардан почта алоқаси бўлимлари мустақил муассаса ҳисобланмайдилар.

Почта алоқаси бўлимлари шаҳарларда ва қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш бўйича улар қуйидаги турларга бўлинади:

-умумфойдаланувдаги, яъни алоқа хизматидан фойдаланувчи барча мижозларга (аҳоли, давлат, хусусий, хўжалик ва жамоат муассасалари, корхоналар ва ташкилотлари)хизмат кўрсатиш учун очик;

-мижозларнинг маълум гуруҳига (фабрика, завод, ўқув муассасалари ва ҳк.) хизмат кўрсатувчи ёпиқ тури;

-маълум бир вақтда очиладиган даврий тури (курорт жойларда, лагерларда хизмат кўрсатадиган);

-маълум жадвал бўйича махсус автомашиналарда ҳаракатланувчи кўчма тури: Кўчма почта алоқаси бўлими бўлмаган қишлоқ жойларида хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Почта алмашув пунктлари ихтисослаштирилган почта муассасаси ҳисобланади. Уларнинг вазифаси почтани ишлаб чиқиш ва ташишдан иборат. Почта алоқасининг қайси линияларига хизмат кўрсатишга қараб почта ташиш бўлимлари темир йўлларда почта ташиш бўлимларига бўлинади.Почтани ҳаво йўлларида ташиш бўлимлари йирик ҳаво тармоқлари аэропортларида ташкил этилади. Улар бошқа аэропортлар билан почта алмашинувини амалга оширадилар.Агар алоқа муассасасаларининг санаб ўтилган барча турларини мижозларга оммавий хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, унда бу муассасаларга почтамтлар, алоқа тармоқлари ва алоқа бўлимларининг улкан тармоғини киритиш мумкин.

2.3 “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг асосий кўрсаткичлари таҳлили

2010 йил якунларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, почта хизмати сифатини ошириш ва филиалларнинг молиявий ҳолатини

мустаҳкамлаш бўйича маълум ишлар амалга оширилиб, 82,8 млрд. сўмлик даромад олинди (2009 йил 64,2 млрд.сўм), ўтган йилга нисбатан 129 фоизни ва 3686,4 млн.сўм соф фойда олинди (2009 йил 2939,9 млн.сўм), ўтган йилга нисбатан 125 фоизни ташкил этди.

Почта жўнатмаларини айирбошлаш ҳажмий кўрсаткичларининг бажарилиши ўтган йилга нисбатан: юборилаётган ёзма хат-хабарлар 14,2млн.дона - 102 %, посилкалар 90,2 минг дона- 101 % ва пул жўнатмалари 892,6 минг дона – 103 %га бажарилган.

Давлат бюджетига 25,2 млрд. сўмлик солиқ ва бошқа ажратмалар тўланди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 135,5 фоизни ташкил қилди (2009 йилнинг шу даврига 18,6 млрд.сўмни ташкил қилган).

Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 2009 йил якунлари бўйича Акциядорлар Умумий йиғилишида 1 616 957,5 минг сўм дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлиб, унда 1 та акциянинг номинал қийматига нисбатан 15,37 фоиз дивиденд тўланган.

2011 йил 1 январь ҳолатига иш ҳақи тўлаш юзасидан қарздорлик мавжуд эмас, ўртача иш ҳақи йил бошидан 257 855 сўмни ташкил қилди. Бу ўтган 2009 йилга нисбатан 38 фоизга, 2005 йилга нисбатан 5,1 баробар ошган.

Электрон пул жўнатмалари тизимини янада такомиллаштириш, истеъмолчиларга яқинлаштириш мақсадида вилоятларда босқичма-босқич почта алоқаси тармоқлари уланиб ҳисобот даврида 13,8 млрд. сўмлик, сони бўйича 75304 та электрон пул ўтказмалари амалга оширилди ва 813,5 млн.сўм даромад олинди. Электрон пул ўтказмалари тизимига боғланган почта алоқаси объектлари сони 216 тадан 403 тага етказилди.

Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари «Интернет кафе»лар сони 44 тадан 49 тага етказилди.

2010 йил «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ Жамият таркибидаги Қорақалпоғистон, Тошкент, Андижон, Жиззах ва Қашқадарё филиалларида 5 та янги «Интернет кафе»ларини ташкил қилиш учун 55,5

млн.сўм маблағга компьютер техникалари сотиб олинди. Шу билан бирга, «Баркамол авлод йили»га «XXI аср технологиялари» журнали таҳририятининг моддий техника базасини яратиш мақсадида 50,0 млн.сўм хомийлик ёрдами кўрсатилди.

Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилишжараёнини автоматлаштириш мақсадида «Фидо бизнес» МЧЖ билан тузилган шартномага асосан филиал ва почта алоқа тармоқларида 190 та иш ўрни «Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими»га уланди ва хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Жамиятнинг веб сайти (www.pochta.uz) орқали почта соҳаси бўйича маълумотлар ва янгиликлар бериб борилмоқда. Веб сайт орқали Жамиятда ишлатиб келинаётган 4та ахборот ресурсларидан, миждозлар интернет орқали фойдаланиши учун имконият яратилган, булар:

- почта индекслари;
- почта хизмати тарифлари;
- рўйхатга олинувчи ҳалқаро қирувчи почта жўнатмалари ҳақида интернет орқали маълумот олиш;
- рўйхатга олинувчи қирувчи ва чиқувчи тезкор почта жўнатмалари ҳақида интернет орқали маълумот олиш.

“Ўзбекистон маркаси” участкасида “Интернет магазин” хизматини жорий этиш юзасидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Интернет магазини орқали почта маркалари ва филателистик махсулотларни сотишнинг вақтинчалик тартиби» ишлаб чиқилди ва 2010 йил 15 мартдан ушбу хизмат йўлга қўйилди.

«Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ўртасида имзоланган қўшма тадбирлар режасига асосан биллинг тизимига уланган почта алоқаси бўлимлари сони 164 тага етди. Ҳозирги кунда вилоят марказларида жойлашган йирик почта алоқа бўлимларини «Ўзбектелеком» АК филиаллари биллинг тизимига улаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда молиявий тўловлар бўйича операцияларни амалга ошириш мақсадида Жамиятнинг почта алоқаси объектларида ОАТ «Алоқабанк» ва бошқа тижорат банкларидан ижарага олиб ўрнатилган банк пластик карточка терминаллари сони 586 тага етди.

Матбуот ва ахборот агентлиги, «Матбуот тарқатувчи» АК билан ҳамкорликда китоб маҳсулотларини кенг китобхонларга етказиш, сотиш бўйича «Китоблар-почта орқали» чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

«ART FLEX» МЧЖ, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Чўлпон», «Прима-пресс» нашриёт матбаа уйлари, «Қумир бизнес универсал» МЧЖ, «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Тасвирий ойна» ижодий уйлари билан ҳамкорликда китоб ва нашриёт-матбаа маҳсулотларини комиссия услубда почта алоқаси бўлимлари орқали сотиш кенг йўлга қўйилди.

Китоб маҳсулотларини кенг китобхонларга етказиш ва сотиш бўйича 2010 йил обуна каталогига киритилган. Ҳисобот даврида Жамият бўйича товарлар чакана савдосидан 3 605,2 млн. сўмлик даромад олинди.

2009 йил 18 майда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган ҳолда «Почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш лойиҳаси» тасдиқланди. 2011 йил 25 январь ҳолатига тадбирлар дастури ва лойиҳанинг бажарилиши бўйича йўналтирилган 3 256,2 млн.сўм ўзлаштирилган бўлиб, бундан Жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан 867,2 млн. сўм, АКТРЖ маблағлари ҳисобидан 2 389,0 млн.сўм, шундан беғараз ажратилган 829,0 млн. сўм маблағни ташкил қилади.

Ушбу йўналтирилган 3256,2 млн.сўм маблағга 2 041,7 млн.сўмлик техник ускуналар сотиб олинган ва ишлаб чиқаришга топширилган, қолган 1 214,5 млн. сўмга (Жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан 4,5 млн. сўм, АКТРЖ маблағлари ҳисобидан 1 210,0 млн.сўм, шундан беғараз ажратилган 400,0 млн. сўм) 560 та компьютер техникаси, 560 та UPS, 439 та принтер, 188 та сканер ва 16 та штрих кодлар принтери сотиб олиш бўйича шартномалар

имзоланди. Шартнома шартларига асосан 372,1 млн.сўм аванс тўланди. Ҳозирги кунда 560та компьютер техникаси, 392 та принтер, 16 штрих код принтери, 110та UPS келтирилди ва жойларга жўнатиш ишлари бошланди.

Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими (РОПЖН) дастурини ишлаб чиқиш учун конкурс ўтказилди ва танлов ғолиби («REBIC» МСН) билан шартнома имзоланди (80,0 млн.сўмлик). Шартномага асосан 40,0 млн.сўм аванс ўтказилган. 2010 йил 15 октябрда филиалларнинг 28 та ходими иштирокида РОПЖН тизимини жорий этиш масаласида ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди. Ҳозирги кунда филиалларнинг почта алмашинув пунктлари ва ПАТлардаги саралаш участкаларида РОПЖН дастури синовдан ўтказилмоқда.

«Ўзбекэнерго» ДАК билан ҳамкорлик шартномаси тузилган, ҳисобот даврида филиалларда курьерлик хизмати кўрсатилиб, жами 1,8 млрд.сўм даромад олинган.

Янги хизмат турларини кенгайтириш мақсадида Жамият тизимидаги 5 та филиалда (Андижон, Самарқанд, Фарғона, Тошкент, «Тошкент почтамати») макулатура қабул қилиш шахобчаларини очиш режалаштирилмоқда.

Жамият томонидан 2010 йилда почта алоқаси объектларининг 16 та (2 та филиал, 4та ПАТ, 10та АБ) мукамал ва 325 та (39та ПАТ ва 286та АБ) жорий таъмирланди.

2010 йил давомида туман ичидаги йўналишлар бўйича 777 та почта айирбошламаслик ҳолатлари қайд қилинган бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йилда 109 тани ташкил қилган.

2009 йил давомида аниқланган почта айирбошламаслик ҳолатлари йўналиш сонига қараб, 2010 йилда почта алоқаси объектлари сонига қараб почта айирбошламаслик ҳолатлари ҳисобга олинган.

Шу сабабли 2009 йил кўрсаткичи билан 2010 йил кўрсаткичларини таққослаш мақсадга мувофиқ эмас. Шундай бўлишига қарамадан почта алмашувини меъёр бўйича амалга оширилишини

таъминламаганлиги учун Жиззах филиали директори ва туман почта алоқаси тармоқлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖда пул маблағларининг сақланиши ҳамда уларни мақсадли ишлатилишини таъминлаш, истеъмолчиларга сифатли почта хизматлари кўрсатиш бўйича жойларга чиқиб профилактик ишлар олиб борилганлигига қарамасдан 2010 йил бўйича 56 ҳолатда 746,4 млн.сўм миқдорда (2009 йилда ушбу кўрсаткич 90 ҳолатда 752,7 минг сўм) пул ўтказмалари ва пенсия пул маблағларининг камомади ва ўзлаштириш ҳолатлари қайд қилинган. Аниқланган 746,4 млн.сўм маблағининг 523,2 млн.сўми (70,1%) айбдор шахслардан ундирилди ва қолган 223,2 млн.сўми (29,1%) корхона ҳисобидан қопланган.

Жамият филиаллари томонидан пенсия ва ижтимоий нафақаларни фуқароларга етказиб бериш хизматини кўрсатиш натижасида 2010 йилда 4 150 200,0 млн.сўм миқдоридаги нақд пул маблағи етказиб берилди.

2.2 жадвал

Ўзбекистон почтаси ОАЖ нинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар номи	2009 йил	2010 йил
.	Алоқа хизматларидан даромад	68 943,8	88 141,1
.	Харажатлар	62 075,4	79 502,4
.	Умумхўжалик фаол.фойда - хаммаси	4 348,3	5 251,0
.	Соф фойда	2 939,9	3 686,4
.	Пенсия тўловларининг умумий даромаддаги улуши	51,6	54,5
.	Ўртача иш ҳақи (1 ходимга)	186 686	257 855
.	Сотиб олинган асосий воситалар	3 182,4	2 484,5
.	Жамият балансидаги почта алоқаси объектлари бинолари	1 982	2 101

.	Банклар кредити ва бошқалар	0	1 560
0.	Кредитлар бўйича қарздорлик	0	0

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ҳозирги кунда бир нечта йўналишларда хизматлар кўрсатиб келмоқда. Тадқиқот ишимизда, почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни бешта асосий гуруҳга бўлиб ўргандик. Бу гуруҳлар қўйидагилардан иборатдир:

- Асосий хизмат турлари;
- Шартнома асосида кўрсатилаётган хизмат турлари;
- АКТ асосланган хизмат турлари;
- Молиявий хизмат турлари;
- Бошқа хизмат турлари.

Юқорида келтирилган тақсимотга асосланган ҳолда почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари бўйича ўзгариш динамикаси қўйидаги 2.1-жадвалда келтирилган.

Почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари таҳлили натижаларига кўра, даромаднинг асосий қисми шартнома асосидаги хизматлардан олинар экан, бу хизматлар улуши 2009 йилда 63,5% гача етган бўлса, 2010 йил якунларига кўра 63.1 % ташкил этиган. Демак пасайиш 0.4 % тенг бўлган. Шартнома асосидаги хизмат турлари бўйича пасайишнинг асосий сабаби пенсия туловлари бўйича даромад улушини 1.2 % камайишини курсатишимиз мумкин. 2007-2008 йилларда асосий хизмат турлари улуши ўзгармай қолган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 0,2% камайган ва 9,6 % ташкил этган. Почта алоқаси объектларининг 2010 йилда самарали фаолияти юритиши натижасида асосий хизмат турларидан олинган даромад улуши 10.5% ташкил этган бу 2009 йилга нисбатан 0.9% куп демакдир. Бу ижобий натижа ҳисобланади. Шунингдек, молиявий ва бошқа хизмат турлари бўйича ҳам камайиш кузатилган, мос ҳолда 0,4% ва 0,2% ташкил этган. АКТ асосланган хизмат

турлари улушини пастлиги алоҳида эътибор талаб этади. Бу хизматлар улуши атиги 0,1 % тенг бўлган. АКТ такомиллаштириш кучайтирилаётган шароитда ушбу жуда паст ҳисобланади. АКТларини жадал ривожланаётган даврда бу жуда паст кўрсаткич ҳисобланади. Битирув малакавий ишда соҳанинг ривожлантиришни асосий йўналишларидан бири бу соҳага ахборот коммуникация технологияларига асосланган хизматларни жорий этиш эканлиги келтирилган эди. Ҳисобот йилида молиявий ва бошқа хизматлари улушида ҳам мос ҳолда -1.91% ва -4.0%га пасайгани кузатилган.

2.3- жадвал

Почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари бўйича ўзгариш динамикаси

Хизматлар номи	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й
Жами даромад	100%	100%	100%	100%
Асосий хизматлари жами улуши	9,8%	9,8%	9,6%	10,5%
Шартнома асосида хизматлари жами улуши	56,6%	62,4%	63,5%	63,1%
АКТ асосланган хизматлари жами улуши	0,08%	0,2%	0,1%	0,2%
Молиявий хизматлари жами улуши	14,08%	12,17%	11,4%	11,0%
Бошқа хизматлари жами улуши	19,2%	15,2%	15,4%	15,2%

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида маркетинг фаолиятини ривожлантиришга асосий таъсирини кўрсатувчи хизматлар гуруҳларида даромаднинг пасайиши кўзатилган, яъни:

- АКТ асосланган хизмат турлари;
- Молиявий хизмат турлари;
- Бошқа хизмат турларидан олинган даромадлар улуши йилдан йилга пасайиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, соҳани ривожлантириш ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида янги почта хизматлари рекламасини кучайтириш ҳамда соҳада қўшимча хизмат турларини кенгайтириш бўйича тадбирларни жадал амалга ошириш лозим.

Почта алоқаси соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш заминида, рентабеллик ва самарадорлик даражаси паст бўлган ҳамда истеъмол хусусиятини йўқотган хизматлардан воз кечиб, янги замонавий, юқори рентабеллик ва самарадорлик даражасига эга, энг асосийси эса истеъмолчилар эҳтиёжларига мос келувчи хизматларни жорий этишни тушуниш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида бу жараёни доимий равишда амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки кучли рақобат шароитида ҳар бир хизматни кўрсатиш учун маълум миқдорда харажат ва ресурслар талаб этилади. Ҳар бир иқтисодий жараёнда қатнашувчи ресурслар маълум бир миқдорда чегараланган бўлади. Чегараланган ресурслардан самарасиз фойдаланиш эса рақобатбардошликни пасайишига ҳамда бозор сегментини йўқотишга олиб келади. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида маркетинг ва инновацион фаолиятни, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожланиши ҳамда улар заминида янги хизмат турларини жорий этилиши бевосита почта алоқаси соҳасида ҳам хизматлари нуфузини кучайтиришни тақозо этади.

Почта хизматлари соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш ҳамда соҳада қўшимча хизмат турларини кенгайтириш бир томондан истеъмолчилар талабини қондирувчи почта хизматларини жорий этиш ҳамда кўрсатишга замин яратса, иккинчи томондан қўшимча хизмат турларини кенгайтириш орқали қўшимча даромад манбаини шакллантиришга асос бўлади. Почта хизматлари диверсификациясини кучайтиришдан яна бир асосий мақсад соҳасини ташқи молиявий манбаларга қарамлигини камайтиришдир. Таҳлил натижаларига кўра шартнома асосида кўрсатилаётган хизматлари почта даромадларидаги улуши 2007 йилда 56.6 %

тенг бўлса, 2008 йилга келиб 5.8% ортган ҳамда 62.4% ташкил этган бўлса. 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 63,5 % тенг бўлган бўлса, 2010 йилда 63,1%. Бу рақамлар ҳам соҳада хизматлар соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш лозимлигини исботлайди.

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида почта алоқаси соҳасида маркетинг фаолиятини ривожлантириш, почта алоқаси соҳасини рақобатбардошлигини оширадиган ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлайдиган асосий воситалардан бири соҳани юқори самара берадиган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондирувчи ўзига тегишли хизматларга эга бўлишидир.

Ҳозирги пайтда “Ўзбекистон Почтаси” ОАЖ универсал почта хизматлари бозорида монополист ҳисоблансада, қўшимча хизмат турлари бўйича кўрадиган бўлсак, кучли рақобатга дуч келамиз, жумладан курьерлик хизматлари бўйича 10 ортиқ курьерлик ташкилотлари фаолият юритмоқда, пул жўнатмалари бўйича эса 20 ортиқ банклар, коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича электрон тўловлар хизматини кўрсатувчи ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, универсал почта хизматлари бугунги кунга келиб паст самара берадиган хизмат турлари гуруҳига тегишли эканлигини юқорида келтирилган таҳлил натижалари ҳам исботлади. Демак, соҳани ривожлантириш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган универсал хизмат турларини янги ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш ҳамда кучли рақобатга эга бўлган қўшимча хизмат турларини жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов “Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига- бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими-ана

шундай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз керак³” деб таъкидлаб ўтган эдилар. Юқорида келтирилган фикрни исботини почта алоқаси соҳасида маркетингни ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда фикримизча, почта алоқаси соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш, соҳада кўшимча хизмат турларини кенгайтириш ҳамда почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари бўйича ўзгариш динамикаси яққол тасвирлаш мақсадида жамиятнинг асосий молиявий натижаларнинг ўзгариш динамикасини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2.4-жадвал

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ иқтисодий ижтимоий ривожланишини асосий кўрсаткичлари таҳлили


№	Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	20 10 йил л
1.	Хизматлар сотишдан даромад	52 796,3	68 943,8	88 141,1
2.	Харажатлар	47 889,9	62 075,4	79 502,4
3.	Умумхўжалик фаол.фойда - хаммаси	2 869,5	4 348,3	5 251,0
4.	Соф фойда	1 883,5	2 939,9	3 686,4
5.	Ўртача иш ҳақи (1 ходимга)	134 741	186 686	25 7 855
6.	Сотиб олинган асосий воситалар	2 292,9	3 182,4	2 484,5
7.	Банклар кредити ва бошқалар	0	0	1 560
8.	Кредитлар бўйича қарздорлик	0	0	0

³Президент Ислам Каримовнинг 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йилгилишда сўзлаган маърузаси.

2.2-жадвалда келтирилган “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ иқтисодий ижтимоий ривожланишини асосий кўрсаткичлари таҳлилига кўра барча кўрсаткичлар бўйича узиш суръатлари кузатилган. Аммо даромадлар ва харажатларнинг узиш даражаси пропорцианал тарзда амалга ошмаган. Жумладан агар 2010 йилда даромадлар 88 141,1 млн сўм ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2009 йилда 68 943,8 млн сўмни ташкил этган ва 2009 йилга нисбатан даромадлар 127 % ортганини кузатишимиз мумкин. Харажатлар эса 2009 йилда 62075,4 млн сўмга тенг бўлган бу курсаткич 2010 йилга келиб 128,1 % ортган ва 79 502,4 млн сўмни ташкил этган. Соф фойда миқдорини тадқиқот даври мобайнида ижобий томонга узгариб борганлиги кувонарли ҳолат ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи молиявий манбалардан фойдаланиш корхонанинг салоҳиятини ортишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси соҳасига чет эл ҳамда республика ичкидаги молиявий манбалардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ фақат 2010 йилга келиб банк кредит ресурсларидан фойдаланган. 2010 йилда банкдан жалб этилган кредит ресурслари миқдори 1 560.0 млн сўмни ташкил этган. Бугунги кунга келиб банк кредит ресурслари бўйича қарздорлик мавжуд эмас.

Ўртача иш ҳақининг таҳлили 2.1-расмда келтирилган.



2.4-расм

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳамда йирик миллий операторлар бўйича ўртача иш ҳақи ҳақи динамикаси, минг сўм

Корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантиришда ходимларнинг урни ва аҳамияти бекиёсдир. Ходимларни ўз лавозим функцияларини сидқидилдан ёндашишлари ва бажаришлари учун уларни моддий манфаатдорлигини ошириш лозим ҳисобланади. Ходимларнинг моддий манфаатдорлигини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлардан бири бу ўртача иш ҳақи ҳисобланади. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳамда йирик миллий операторлар бўйича ўртача иш ҳақи ҳақи динамикаси таҳлиliga кўра “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бўйича ўртача иш ҳақи миқдори йиллар давомида ортиб боришига қарамасдан соҳа бўйича ўртача иш ҳақи миқдorigа нисбатан паст даражада. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, агар 2006 йилда почта алоқаси соҳаси бўйича иш ҳақи соҳадаги ўртача иш ҳақи 68 %ини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 71%, 2008 йилда 76 %, 2009 йил якунлари бўйича 79 % ҳамда 2010 йил якунлари бўйича эса 80 % тенг бўлган. Ўртача иш ҳақи миқдори сезиларли даражада ортган бўлсада жамият олдида почта алоқаси ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш бўйича чора тадбирларни кенгайтириш ва жадаллаштириш мақсадга

мувофиқ ҳисобланади. Чунки бугунги кунда почта алоқаси ходимлари иш ҳақи бўйича урточа иш ҳақи соҳадаги энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

III БОБ “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖНИНГ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

1.1 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида корпоратив бошқарув усулларининг қўлланилиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда «ахборотлашган жамият» сари жадал интилиш мақсадида амалий чоралар кўрилмоқда. Аммо, бу борада килинган ишлардан келгусида килиниши керак бўлган ишлар кўлами ниҳоятда кенгдир. Жахонда ахборот-коммуникация соҳаси ривожини жуда тезлик билан руй бераётганлиги сабабли бу борадаги ҳар қандай сусткашлик мамлакат тараққиётига ўта салбий таъсир этиши мумкин.

Келгусида ахборот-коммуникация тизими ривожини республика иктисодий тараққиётининг бош йўналишларидан бирига айлантириш учун кўйидаги вазифаларни биринчи ўринда ҳал қилиш талаб этилади. Чунончи, соҳа ривожини учун қулай бўлган иктисодий ҳамда ҳуқуқий муҳитни давр талабларига мос равишда такомиллаштириш, соҳада мулкӣ муносабатларни эркинлаштириш ва ахборот-коммуникация хизматлари бозори ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, соҳада фаолият кўрсатаётган фирма ва компаниялар фаолиятини рағбатлантириш механизминини шакллантириш, энг асосийси, соҳанинг республикада таркиб топаётган бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган оқилона бошқарув тизимини яратиш ва бу йўналишда чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш лозим. Табиийки бундай сифат ўзгаришлари бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммоларини ечишга қаратилган чуқур илмӣ тадқиқотлар олиб боришни тақазо этади. Зеро, бундай тадқиқотларсиз соҳа бошқаруви самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.

Шу сабаб ҳам сунгги йилларда ахборот-коммуникация Тех-нологияларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда ушбу соҳани бошқаришнинг назарий, методологик ҳамда амалий масалалари юртимиз ва хориждаги кўпчилик олимлар илмий ишларининг мавзусига айланмоқда. Аммо, таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда алоқа ва ахборотлаштиришнинг шиддатли ри-вожланаётганини ҳамда устувор йўналишга айланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳани бошқаришни такомиллаштиришнинг ҳозирги кундаги муаммолари етарли тадқиқ қилинмаган. Қолаверса, бор адабиётлар ҳам бошқарувнинг тор йуналишдаги у ёки бу муаммосига бағишланган бўлиб, соҳа бошқаруви муаммоларини мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ис-лохотларга боғлиқ равишда комплекс ҳолда очиб бера олмайди. Холбуки, бундай талабларга жавоб берадиган илмий нашрларнинг етарли эмаслиги амалиётда кучли сезилмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб ушбу илмий ишнинг муаллифлари Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятларини таҳлил қилган ҳолда соҳанинг устувор ва жадал ривожланишини таъминлаш, унинг бозор ислохотлари талабларига мос келувчи замонавий бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни ҳамда бу борадаги хулосаларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилишни мақсад қилиб олдилар.

Албатта, бу мақсад жуда кенг қамровли бўлиб бир илмий иш доирасида уни ҳар томонлама ёритишга эришиш мураккаб. Шу сабабли муаллиф асосий эътиборни энг аввало, муаммонинг шу кунда долзарб бўлган куйидаги йўналишларига қаратишни ўринли деб топди:

- республика ахборот-коммуникация тизими ривожланишининг илмий асослари ва қонуниятларини таҳлил қилиб, соҳанинг мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги босқичидаги ролини илмий жихатдан асослаш;

- ахборот-коммуникация соҳаси бошқарув тизимининг замонавий тамойилларига ҳамда бошқарувнинг шу кунда амал қилаётган элементлари ва усулларига илмий таъриф бериш, бу категорияларнинг иқтисодиётни

ислоҳ қилиш жараёнида қайта шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашиши қону-ниятларини очиб бериш, уларнинг шу кун талабларига мос классификациясини ишлаб чиқиш;

- замонавий бошқарув тизими самарадорлигини аниқлашнинг илмий-услубий асосларини умумлаштириш ва белгилаб олинган методологик асосда республика ахборот-коммуникация соҳаси замонавий бошқарув тизими ҳолатини илмий таҳлил қилиш, бу тизимнинг иқтисодий самарадорлигига ҳамда унинг амалга оширилаётган ислоҳатлар билан ўзаро боғлиқлик даражасига баҳо бериш;

- соҳани бошваришда бозор тамойиллари асосидаги усуллар билан давлат томонидан бошқарув усуллари ўртасидаги ўзаро нисбат ҳолатини таҳлил қилиш, бу нисбатнинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш ва шу асосда мазкур икки турдаги бошқарувнинг ҳозирги шароит учун оқилона бўлган усулларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- бошқарув тизимини бозор ислохотлари талабларига мос равишда эркинлаштириш даражасига баҳо бериш ва бундай эркинлаштириш йўналишларини белгилаш;

- соҳа бошқарувига оид илғор чет эл тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистон ахборот-коммуникация тизимида баҳо (нарх), маркетинг, инвестиция ва лицензия сиёсатининг илмий асослари ҳамда амалиётини кенг таҳлил қилиш, шу асосда бошқарув тизимининг бу йўналишларини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Бошқарув тизимининг бу долзарб масалаларини ўзаро боғлаб, ҳамда очиб бериш, албатта бошқарувда АКТ нинг мазмунини ҳамда унинг мантиқий тузилишини белгилаб берди. Шунга мувофиқ. Илмий ишнинг дастлабки қисми ахборот-коммуникация соҳасида замонавий бошқарув тизимини шакллантиришнинг назарий асосларига бағишланган бўлиб, унда ўтиш даври иқтисодиёти шароитида соҳа устувор тараккиётининг илмий асослари ва ривожланиш хусусиятлари, унинг иқтисодиётдаги роли ва

аҳамияти кенг очиб берилди. Шунингдек, бошқарув тизимининг мақсади ҳамда вазифаларига иқтисодиётнинг эркинлашуви ва бозор ислохотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда илмий таъриф ҳам берилди. Ахборот-коммуникация соҳаси замонавий бошқарув тизимининг асосий тамойиллари, элементлари, услублари ҳамда уларнинг давр талабларига мос равишда ривожланиш қонуниятлари тавсифланди.

Илмий ишнинг бу қисмида ахборот-коммуникация соҳасининг республика иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти, соҳани бошқаришнинг замонавий тизими таҳлил килинди, бошқарувнинг самарадорлиги ва унинг ривожланишининг мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар билан ўзаро боғлиқлигига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Шаҳарлараро, халқаро ва маҳаллий алоқасоҳасидаги техник сиёсат ривожланишининг яқин истиқболдаги асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- рақамли халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини, уларнинг яшовчанлиги ва ишончлилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, қурилиши принципларини аниқлаш, тармоқ қурилишида технологияларни танлаш;

- Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоғининг ягона такт синхронизация тизимини яратиш дастурини ишлаб чиқиш;

- рақамли маҳаллий телекоммуникация тармоқларини, шу жумладан, қишлоқтармоқларини, маҳаллий телекоммуникациялар тармоқларида илғор технологияларни (симли, симсиз, йўлдошли, оптиктолали ва ҳ.к.) қўллаш, маҳаллий трафикнинг йўналишини оптималлаш, чиқарилган коммутация пунктларидан фойдаланиш ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда, қуриш тамойилларини аниқлаш;

- телекоммуникациялар хизматлари янги турларини жорий этиш;

- телефон алоқа тизимининг ишини яхшилаш;

- маҳаллий телефон тармоқларини, шу жумладан, қишлоқ тармоқларини, ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоғи ривожланишининг бош чизмасини (схемасини) ишлаб чиқиш;
- зонавий телекоммуникациялар тармоқларининг қурилиш тамойилларини аниқлаш;
- абонентларнинг кириш тармоғини «сўнгги мил» муаммосини ҳал этишни ҳисобга олган ҳолда, ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;
- операторларнинг халқаро тармоқларга, шу жумладан, йўлдошли алоқа каналлари орқали, киришларининг асосий тамойилларини аниқлаш.

3.2 “Ўзбекистон почтаси” ОАЖда корпоратив бошқарувни ривожлантириш йўналишлари

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ устави унинг таъсис ҳужжати саналиб, унинг тузилиши, фаолият юритиши ва тугатилиши билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

Жамият Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий операторидир. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни, Почта қоидалари ва ушбу Уставга, Бутунжаҳон Почта Иттифоқининг Конвенцияси, Ижро Регламенти ва бошқа ҳужжатлари ҳамда БПИ қошидаги EMS кооперативининг бошқа актларига амал қилади.

Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 19 июлдаги 339-сонли Қарорига асосан, «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларини қўшиш натижасида ташкил топган.

Жамият таркибидаги аввалги барча юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Жамият мол-мулки акциядорларнинг пул ва моддий маблағларни (активларни) бирлаштириш йўли билан шакллантирилган.

Жамият ўзининг фирма номи тўлиқ ёзилган думалоқ гербли муҳрига эга. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкасига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлади.

Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан «Очиқ акциядорлик жамияти» ҳуқуқий мақомига эга бўлади, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб юридик шахс сифатида ўзининг мустақил балансида ҳисоби юритиладиган алоҳида мол-мулкларга, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади, зиммасига мажбуриятлар олиши, шунингдек судда даъвогар ёки жавобгар бўлиши мумкин. Жамият белгиланган тартибда давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқаридаги банкларда миллий ва хорижий валюталардаги ҳисоб варақлари очишга ҳақлидир.

Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Жамият тугатилган тақдирда, акциядорлар томонидан жойлаштирилган қимматли қоғозларнинг камида номинал қиймати даражасида жавобгар бўлади. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган зиёнлар бўйича ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзлари обуна бўлган акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Агар Жамиятнинг ночорлиги (банкротга учраши) унинг акциядорлари ёки Жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлган ёки

бошқача тарзда унинг ҳаракатини белгилаб қўйиш имкониятига эга бўлган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) туфайли юз берса, Жамиятнинг мол-мулки етмай қолган тақдирда мазкур акциядорлар ёки бошқа шахслар зиммасига унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўладилар.

Жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлган акциядор ёки бошқа шахслар Жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишни олдиндан билиб, ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятларидан унинг ана шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳоллардагина Жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли келиб чиққан деб ҳисобланади.

Жамият солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлайди. Жамиятнинг фаолият юритиш муддати муайян муддат билан чекланмаган.

Жамиятнинг Устав фонди **9'270'256'500 (тўққиз миллиард икки юз етмиш миллион икки юз эллик олти минг беш юз) сўмни** ташкил этади.

Устав фонди **8'240'228** акцияга бўлинади ва ҳар бир акциянинг номинал қиймати **1 125 (бир минг бир юз йигирма беш)** сўм, улардан:

8'013'450 дона – оддий эгаси ёзилган акциялар;

226'778 дона – имтиёзли эгаси ёзилган акциялар.

Акция хили - номли. Акциялар (тоифаси) тури – **оддий ва имтиёзли**.

Акция бўлинмайди. Ҳар бир акциядор биттадан кам бўлмаган акция эгаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»ги 339-сонли Қарорига мувофиқ акциялар қуйидаги тартибда тақсимланади:

Давлат улуши –	51 %, 4'727'830'815
	қиймати сўм,
Эркин сотиш учун улуш –	49 %, 4'542'425'685

Акцияларга ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади. Устав фондининг миқдори қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда ўзгартирилиши мумкин. Жамият, агар барча олдин чиқарилган акциялар номиналдан кам бўлмаган қиймати бўйича тўлиқ тўланган бўлса, Устав фондини кўпайтиришга ҳақлидир. Устав фондини кўпайтириш акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Устав фондини камайтириш акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг уларни бир қисмини кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан Жамиятга сотиб олиниши йўли билан амалга оширилади.

Ўз эгасига биринчи навбат тартибида дивиденд олиш ҳуқуқини берадиган акциялар, шунингдек Жамият тугатилган тақдирда акцияга кўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар-имтиёзли акциялар ҳисобланади.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгаларига Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар, акцияларнинг номинал қийматига нисбатан йиллик 5 % дан кам бироқ 25% дан кўп бўлмаган миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари қонун ва Жамият Уставида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари овоз бериш ҳуқуқини бермайди. Жамиятнинг имтиёзли акциялари қуйидаги масалалар бўйича Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этишади:

- Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари бўйича;
- Жамият Уставига имтиёзли акциялар эгаларининг ҳуқуқларини чекланиши билан боғлиқ ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш, шу

жумладан уларга тўланадиган дивидендлар миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш, имтиёзли акцияларнинг тугатилиши қийматини белгилаш ёки кўпайтириш, бу акцияларнинг навбатлилик даражаси бўйича имтиёз бериш тўғрисидаги масалалар юзасидан.

Жамиятда Устав фондининг 15% миқдоридан Заҳира фонди ташкил этилади. Заҳира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили Жамиятнинг соф фойдасидан ажратмалар йўналтириш йўли билан ташкил этилади. Ҳар йилги ажратмаларининг миқдори соф фойданинг 15%дан кам бўлмаслиги керак.

Жамиятнинг заҳира фонди Жамиятнинг зарарларини қоплаш, Жамият облигацияларини тўлаш, имтиёзли акцияларга дивидендлар тўлаш, шунингдек амалдаги қонунларда назарда тутилган ҳолларда акциядорлар талабига кўра акцияларни Жамиятга сотиб олиш учун мўлжалланган. Заҳира фонди Кузатув кенгашининг розилиги билан Жамият Бош директори томонидан бошқа мақсадларга ҳам йўналтирилиши мумкин.

Жамиятнинг юқори органи қарори билан унинг таркибида бошқа фондлар ҳам тузилиши мумкин. Фондларнинг ташкил этилиши ва улардан фойдаланиш тартиби Жамият юқори органининг қарорига мувофиқ белгиланади. Фондлардан фойдаланиш йўналишини мустақил белгилаш Жамиятнинг тўлиқ ихтиёрида бўлади.

Дивиденд фойданинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, шунингдек қайта инвестициялаш амалга оширилгандан кейин Жамиятнинг ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисмидир. Жамият акцияларининг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Акциядорлар Умумий йиғилиш қарорига асосан дивидендларни пул маблағлари, товарлар, мол-мулк кўринишида ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўлаши мумкин.. Дивиденд акциядорлар ўртасида тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамият йилнинг ҳар чорагида жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиши (эълон қилишга) ҳақлидир. Ҳар бир тури бўйича акцияларнинг оралик дивидендларини (йилнинг ҳар бир чораги бўйича) тўлаш, миқдор ва тўлаш шакли тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича йиллик дивидендлар тўлаш, миқдор ва тўлаш шакли тўғрисидаги қарор акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан Кузатув кенгашининг тавсияси бўйича қабул қилинади. Йиллик дивидендларининг миқдори Кузатув Кенгаши тавсия қилган миқдоридан кўп ва тўланган оралик дивидендлардан кам бўлиши мумкин эмас.

Оралик дивидендларни тўлаш санаси Жамият Кузатув Кенгашининг оралик дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори билан белгиланади, лекин бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб камида 60 кун ўтиши керак. Йиллик дивидендларни тўлаш санаси Акциядорлар Умумий йиғилиши қабул қилган қарор билан белгилаб қўйилади ва қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан кечиктирилмаслиги керак.

Жамият қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилишга ҳақли эмас:

Жамият Устав фондининг ҳаммаси тўлаб бўлингунча;

Агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда тўловга ночорлик (банкротлик) белгиларига мос келса ёки дивидендларни тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

Агар Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав ва Захира фондларининг суммасидан кам бўлса;

Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида дивидендларни тўлаш санасигача 31 тақвим кун ичида эълон қилади.

Жамият аҳоли, ташкилотлар ва давлат эҳтиёжларини сифатли ва ишончли почта алоқаси билан таъминлаш мақсадида тузилган ҳамда

Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Жамиятнинг корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

- Аҳоли, ташкилот ва давлат эҳтиёжларини сифатли ва ишончли почта алоқаси билан таъминлаш;
- Бошқарувда воситалар ҳамда тармоқларни замонавийлаштириш ва техник қайта таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, почта алоқаси соҳасидаги жаҳон ютуқларини тизимга жорий этиш;
- Бозор ислоҳотларини янада ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси почта алоқасини жаҳон почта алоқаси тармоғига интеграциялашувини таъминлаш;
- Почта алоқаси хизматларининг мониторингини ўтказиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, почта алоқаси тармоқ ва технологиясини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун сармояларни, жумладан чет эл сармояларини жалб этиш;
- почта алоқаси тармоғини барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида жамиятнинг таркибий бўлинмаларини бошқариш.
- почта алоқаси хизматлари бозоридаги талабни қондириш, Республиканинг бутун ҳудудидаги барча фойдаланувчилар учун ягона қоидалар ва талаблар асосида мажбурий тартибда почта алоқаси универсал хизматларини кўрсатиш;
- почта алоқаси соҳасида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, уни хўжалик юритишнинг бозор шароитларига ўтказиш, кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш;
- почта алоқаси хизматлари ва қўшимча хизматлар кўрсатиш учун почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини эркинлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни фойдаланувчиларга яқинлаштириш;

- Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш мақсадида ёзишмаларнинг махфийлигини ва почта хавфсизлигини таъминлаб аҳоли ва миждозларнинг талабини тўла қондириш;
- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда паст нархлардаги хизматларнинг янги турларини жорий этиш йўли билан почта хизматлари бозоридаги рақобатбардошликни ошириш ва ҳ.к.

ХУЛОСА

Ушбу илмий тадқиқот ишида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ мисолида почта алоқаси соҳасини корпоратив бошқариш жараёнларини шакллантириш, корпоратив молиялардан фойдаланиш, акциядорлик жамиятларида устав капиталини шакллантириш ва уни бошқариш, жамиятнинг дивиденд сиёсати ва акциядорларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида таҳлилий ишлар олиб борилди. Почта хизматлари самарадорлигини ошириш мақсадида почта алоқаси объектларини маркетинг ва инновацион фаолиятини, соҳага янги ахборот технологияларни жалб этиш орқали янги хизматлари жорий этилишини, ходимларни малакавий савиясини ўрганиш, соҳа менеджментини такомиллаштириш ва рақобат муҳитини таъминлашни комплекс таҳлили амалга оширилди.

Бозор муносабатлари шароитида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар жараёнида қуйидаги илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- корпоратив бошқарув самарадорлиги нафақат бошқарувнинг ички жараёнларига, балки ташқи омилларнинг таъсирига ҳам боғлиқдир. Ташқитаъсир этувчи омилларга давлатнинг корпоратив бошқарувига, корпорацияларнинг молиявий хўжалик фаолиятларига, ишлаб чиқариш ҳажмларининг чекланишига, лимитлар, нархларнинг белгилашга таъсири, вертикал бошқарувнинг мавжудлиги, маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг аралашувлари, қабул қилинган қонунларнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги, юқори малакали менежерлар, акциядорлик жамиятини кузатувчиларининг етишмаслигида кўринади;

- корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш учун хорижий корпоратив бошқарув тажрибаларига асосланган ҳолда қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш зарур. Булар корпоратив бошқарув механизмларини фаол ишлашига ва мавжуд қийинчиликларнинг

олдини олишга олиб келади; - корпоратив бошқарувда маълум қийинчиликлар мавжуд. Бу қийинчиликлар ишлаб чиқариш жараёнининг секинлашувида, корпорациялар тўлов қобилиятининг пасайишида, ишлаб чиқариш технологияларининг асосий фондларини эскирганлигида, айланма маблағларининг ишлаб чиқариш ресурсларини, инвестиция маблағларининг етишмаслигида, кредит маблағларини жалб этишдаги қийинчиликларда, фоиз тўловларининг юқорилигида, ахборот ва маълумотлар билан етарли даражада таъминланмаслигида ифодаланади; - корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш услубий ва ташкилий жиҳатдан уни ташкил этиш даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ишлаб чиқариш субъектларининг ташкил топиши, уларни бошқариш механизмларини бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган даражада такомиллаштиришни талаб қилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, корпоратив бошқарувни такомиллаштиришда икки масалага: биринчидан, ички корпоратив бошқарувни секин-аста такомиллаштириб боришга, иккинчидан, бозор талабларидан, яъни истеъмолчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда, корпорацияларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ривожланишини стратегик режаларини ишлаб чиқиш зарур; - корпорация бошқарув самарадорлигини ошириш учун корпорацияларни ички ва ташқи инвесторлар билан бўлган муносабатларини такомиллаштириш, унинг бошқарув органларининг родини ошириш, акциядорлик капиталида корпорация ходимлари капиталлари ҳиссасини ошириш зарур; - ривожланган хорижий давлатларда корпоратив бошқаришни бюджет асосида режалаштириш кенг тарқалган бўлиб, у бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланишни таъминлайди. Корпорация бюджетини режалаштириш иқтисодиётни самарали юритишни, бошқаришнинг асосий воситаси бўлиб бюджет харажатларининг ҳисоб-китобини олиб бориш ва

тегишли иқтисодий ташкилий чора ва тадбирларни қабул қилишни таъминлайди;

- бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш унинг ишлаб чиқариш фаолиятини бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш билан бирга корпорация ишлаб чиқариш жараёнига илғор технологияларини қўллашга катта эътибор бериш зарур. Режалаштириш асосида бошқарув самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш, ҳар бир маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини сарф қилиш даражасини аниқлаш, унинг корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот тури бўйича самарадорлигини белгилашни таъминлайди; - йирик ишлаб чиқаришнинг корпорация шаклида ташкил топиши маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш самарадорлигини, корхоналарнинг кооперация ҳолатида олиб борилишини, маҳсулотларнинг тўлиқ якуний ҳолатида истеъмолчиларга етказиб беришни, йирик инвестицион режаларни амалга оширишни, умумий инфратузилмаларнинг шакллантирилиши ва истеъмол бозори учун бўлган курашнинг умумийлашган ҳолда олиб борилишини таъминлайди; - корпоратив бошқарув самарадорлиги ички самарадорлик билан узвий боғлиқ бўлиб, у корпоратив лойиҳаларини бажариш билан қабул қилинган қарорларга, белгиланган вазифаларнинг аниқ жавобгар шахслар томонидан бажарилишига, режалар узлуксизлигининг таъминлашига ҳамда уларнинг ички ва ташқи бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилишини инвестициялаштириш даражасига ҳам боғлиқдир. Ҳозирги шароитда ички инвестициялаш жараёнини самарали олиб боришни таъминлаш учун ягона самарали инвестициялаш жараёнини бошқарув тизимига, унинг истиқболли режалаштиришни таъминлашга, илғор ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган уни бошқарув услубига асосланган ишлаб чиқариш жараёнини инвестициялаштиришга ҳамда унинг таркибий

тузилишини эътиборга олган ҳолда амалга ошириш ва бажарилишини назорат қилиб боришни таъминлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни, 2003й.
2. Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 12.12.2002 й.
3. «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 10 июлдаги 293-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори 22.11.2005 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Идоралараро ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори. 10.04.1998 й.
6. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июндаги 200-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
7. «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет» ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 23 майдаги 230-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
8. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.
9. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 31 мартдаги 165-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

10. «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

11. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.: "Адолат", 1996.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 майдаги Фармони.

13. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. - Т.: «Халқ сўзи», 10.02.2004.

14. Каримов И.А. "Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир". Т.: "Ўзбекистон ", 2005.

15. Каримов И.А. "Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди". Т.: "Ўзбекистон ", 2005.

16. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил

17. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси). «Халқ сўзи» г. №220. 13 ноябрь 2010 й.

18. Арипов ва бошқ. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. – Т.: «Fan va tehnologiya», 2005.

19. Абрютин М.С., Грачев А.В. Анализ финансово-экономической деятельности предприятия. М.: Дело и Сервис, 1998 й

20. Аккофф Р.Л. Исследования по общей теории систем. - М: Прогресс, 1969

21. Алексеева М.М Планирование деятельности фирмы. //Финансы и статистика. Москва, 1999.

22. Бабаш А.В. Криптография: Учеб.пособие. / Бабаш А.В., Шанкин Г.П.: СОЛОН-Р, 2002.

23. Байбурип В.Б., Бровкова М.Б., Пластун ИЛ.и др. Введение в защиту информации. Учеб.пособие. М.: ФОРУМ-ИНФРА-М, 2004.

24. Баутов А.Н. Программно-методическое обеспечение «Расчет рисков и вычисление оптимальных затрат на систему защиты информации от несанкционированных действий и сохранение конфиденциальности информационных ресурсов». МЛ, 2001.

25. Щетинин В.Г, Костюнин А.В. Нейросетевые модели управления промышленным производством // Тезисы 21-й конференции Системный анализ промышленных предприятий - Старый Оскол, 1999.

26. Щетинин В.Т., Столярова О.В., Костюнин А.В. Синтез решающих правил на нейронных сетях, для управления производством //Приборы и системы управления. М. №1. 1999.

27. Ғозибеков Д.. ва бошқ. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Т.: «Fan va tehnologia» - 2004 й.

28. Энциклопедия компьютерных вирусов Евгения Касперского //Электронная версия 2010.

29. Досумова Д.Р. Қишлоқ алоқа линияларини баҳолашнинг техник – иқтисодий мезонлари тўғрисида. – Т. : «Алоқа дунёси», № 1\2007.
30. Жамолов Х., Абдуллаев Х. Корхоналарнинг тўловга қодирлиги ва рентабеллиги. Бозор пул ва кредит. 1-сон, 2001 й.
31. Ивонина Н.В. ва бошқалар. Маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар, техник даражани ошириш ва корхонада рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) чиқариш учун ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш. Ўзбекистон молия қонунчилиги. Тошкент, 1996 й.
32. Мамчиц Р. Электронная коммерция в ближнем и дальнем зарубежье / Р.Мамчиц. Poletekonom.-2001.
33. Мильчакова Н. Телекоммуникации в России: Структурные реформы и проблемы повышения рыночной стоимости акций. Ж. «Вопросы экономики», 2001 г.
34. Мухитдинова М. "Предупреждение кредитных рисков". Бозор, пул ва кредит, , 2001 й.
35. IDC, 1999 Knowledge Management Survey.
36. Philip G. Lewis, Approaching Precalculus Mathematics Discretely: Explorations in a Computer Environment, Paperback // The MIT Press, September, 1990, 0262620634.
37. Mowshowitz A. Virtual organization//Association for Computing Machinery. Communications of the ACM; New York; Sep 1997.
38. The Radicati Group, Inc., Knowledge Management Market Trends 1999-2009.
39. Алоқанинг регионал бирлашмаси (АРБ) ҳисоботи материаллари, 1998-2004 йй.
40. А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: Автореферат, 2004.

41. Бутундунё электроалоқа /АКТ ривожлантириш ҳисоботи // ЭАИ – 2006 й.
42. «Ўзбектелеком» АКнинг йиғма бухгалтерлик баланси, 1998-2004 йй.
43. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳисобот материаллари, 2007 й.
44. "Ўзбекистоннинг 2000-2007 йиллардаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари". Т.: Давлат статистика кўмитаси, 2000-2008.
45. info@uztelecom.uz
46. <http://www.e-gov.com/egovjournal>
47. <http://www.globalcrossing.com>
48. <http://www.govaffairs.nate.gov/egov>
49. <http://www.intel.com/research/silicon/mooreslaw.htm>
50. <http://www.ipso.cec.be/Ecommerce>
51. <http://www.level3.com>
52. <http://www.mid.ru/mid/inform.htm>
53. <http://www.monitoring.ru>
54. <http://www.nasdaq.com>
55. http://www.nua.ie/surveys/how_many_online/index.html
56. <http://www.oecd.org/dsti/sti/it/ec/act/sacher.htm/>
57. <http://www.scrt.gov.ru/Documents/Decrec/2000/09-09.html>
58. <http://www.usinfo.state.gov/journals/itgic/1100/ijgrll00.htm>
59. <http://www.wto.org/wto/ecom/ecom.htm>
60. <http://www.crime-research.ru>
61. <http://www.egovernment.ru> (журнал «Information Security/Информационная безопасность»)
62. <http://www.novosoft.ru/solutions>
63. <http://www.intertrustsib.ru>
64. <http://www.iteam.ru>
65. <http://www.awaresystems.be>

66. <http://www.microsoft.com>